

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН
ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
14.07.2016. FIL.09.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

КАМИЛОВА САОДАТ ЭРҒАШЕВНА

**XX АСР ОХИРИ – XXI АСР БОШЛАРИ РУС ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА
ҲИКОЯ ЖАНРИ ПОЭТИКАСИНИНГ РИВОЖИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик, таржимашунослик
(филология фанлари)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ Тошкент - 2016 йил

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Камилова Саодат Эргашевна

XX аср охири – XXI аср бошлари рус ва ўзбек
адабиётида ҳикоя жанри поэтикасининг ривожини..... 3

Камилова Саодат Эргашевна

Развитие поэтики жанра рассказа в русской и узбекской литературе конца
XX - начала XXI века 33

Kamilova Saodat Ergashevna

The development of poetics of a short story genre in russian and uzbek
literature of the late XX – early XXI centuries 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publised works.....89

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
14.07.2016. FIL.09.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

КАМИЛОВА САОДАТ ЭРГАШЕВНА

**XX АСР ОХИРИ – XXI АСР БОШЛАРИ РУС ВА ЎЗБЕК
АДАБИЁТИДА ҲИКОЯ ЖАНРИ ПОЭТИКАСИНИНГ РИВОЖИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик,
таржимашунослик
(филология фанлари)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ Тошкент - 2016 йил

Докторлик диссертацияси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз) илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tashgiv.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилига жойлаштирилган

Расмий оппонентлар: Пардаева Зулфия Жураевна

филология фанлари доктори

Ермолин Евгений Анатольевич педагогика фанлари доктори, профессор (ЯГПУ, Россия)

Каримов Баходир Нурметович филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 14.07.2016. Fil.09.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2016 йил « ____ » « ____ » соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru)

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2016 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2016 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.Ш.Омонов

фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

Г.Х.Боқиева

фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги даврда, ўзаро таъсирланиш муҳотида жаҳон адабий жараёни ва муайян адабиётнинг миллий ўзига хослигини жанр поэтикаси тараққиёти нуқтаи назаридан умумий қонуниятларини аниқлаш замонавий жаҳон компаративистикасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Маданият ва адабиётнинг умумий қонуниятларини ўзида акс эттирувчи замонавий ўзбек ва рус адабиётидаги ҳикоя ривожини жанр сифатида илмий таҳлилга тортиш жаҳон адабиётининг ҳаракатланиш мантиғини тушунишимизга ёрдам беради.

«Асосий вазифамиз – ёш авлодга фақат билим беришдан иборат эмас, балки бугун дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқара оладиган, ўз ери, ўз юртига садоқат туйғуси билан яшайдиган, Ўзбекистон фуқароси деган шарафли номга ҳар томонлама муносиб бўлган инсонларни тарбиялаш – барчамизнинг муқаддас бурчимиздир»¹. Шу сабабли дунё адабиёти ва маданиятининг асосини ташкил этувчи Ўзбекистон ва бошқа халқлар замонавий адабиёти тараққиётини ҳолисона таҳлил қилиш, шунингдек, XX аср охири – XXI бошлари адабий жараёнида жанр парадигмасининг ўзига хос хусусиятлари масаласи, унинг миллий ўзликни англашнинг шаклланиш жараёнидаги аҳамиятини ҳисобга олиш мазкур мавзуга мурожаат қилиш муҳимлигини кўрсатади.

Ўрганилаётган замонавий миллий адабиётлар узлуксиз мавҳумлик ва ғоялар хилма-хиллиги, иерархиялар бўҳрони, «таваккал жамият» ҳолатида ҳаракатланиб бормоқда. Бу ҳолат баён воситаларининг трансформацияси, адабий ҳодисалар чегараларининг ўзгариши ва адабиётшуносликка оид тушунчаларининг нисбийлашуви, шакллар, услублар, жанрларнинг янгиланишига олиб келмоқда. Бугунги кунда жанр адабиётнинг инсон ва дунёнинг бир-бирига зид тамойилларини амалга оширадиган, муаллифнинг ахлоқий янгиликлари татбиқ этиладиган ҳамда мафкуравий ва ахлоқий йўналишларнинг алмашинувини белгиладиган тажриба майдонига айланмоқда. Мазкур миллий адабиётларда ҳам баён асосига қурилган жанрлар асосий роль ўйнамоқда. Бошқа кичик жанрлар каби ҳикоянинг нисбатан йирик асарлардан анчагина кўплигини пайқаш қийин эмас². Ҳаётнинг бир парчаси сифатида вужудга келган ҳикоянинг энг асосий белгиларидан бири ихчамлик бўлиб, XX аср охири – XXI боши воқелигининг ўзига хос хусусиятига айланмоқдаки, бу хусусиятни йирик эпик жанрларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Фақат ҳикоягина замонавий ҳаётнинг умумий шакли, ташқи кўриниши, асосий ғоялари, характерли хусусиятини акс эттира олади. Ҳикояда

¹Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табриги. 30.09.2015. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати. [Электрон манба]. – URL: <http://press-service.uz/tu/news/5186/> (мурожаат санаси: 16.02.2016).

²Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси замонавий наср бўлимининг йиллик ҳисоботларига кўра, 2012 йилда турли адабий нашрларда 52 та ҳикоя эълон қилинган, 2013 йили эса уларнинг сони 267 тага етди. Қаранг: Янги авлод овози (сухбат) // Шарқ юлдузи. – 2013, № 1-5; Юрий Казаков номидаги йилнинг энг яхши ҳикояси танлови маълумотларига кўра, унда йиллик қатнашчилар сони 100 дан 300 га қадар ортган ([www. magazines. russ. Ru/ project/kazak/](http://www.magazines.russ.ru/project/kazak/)).

ана шундай кичик детал ва эскиз материали билан ишлаш имконияти мавжуд. Ҳикояга нисбатан берилган баъзи хулосалар исботга муҳтож бўлмаган ҳақиқатга айланиб улгурганлиги туфайли уларни мавжудлик белгиси сифатида қабул қилиш имконини беради. Шундай бўлса-да, кун тартибида ҳам рус, ҳам ўзбек адабиётида кичик насрнинг жанр сифатидаги тараққиёт поғоналарига хос аҳамиятга молик жиҳатларни аниқлаш муаммоси ўз ечимини кутмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги ПҚ 451-сон «Миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишлар тарғиботи самарасини ошириш тўғрисида»ги Қарори, 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сон «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ҳақида»ги Фармони, 2016 йил 13 майдаги ПФ 4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари тараққиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ¹.

Ҳикоянинг жанр хусусиятлари, кичик наср поэтикаси ва унинг тараққиёти, замонавий адабий жараёнга оид илмий тадқиқотлар дунёнинг қуйидаги етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида амалга оширилади: University of Cambridge, University of Harvard (АҚШ), University of Edinburg (Шотландия), Linnéuniversitetet (Швеция), Москва давлат университети, Ярославл давлат педагогика университети (Россия), Беларус давлат университети (Беларус), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (Ўзбекистон).

Жаҳонда ҳикоя жанри бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида бир қатор илмий натижалар қўлга киритилган, жумладан, адабиётшуносликда жанр ҳақидаги тасаввурлар ўзгариши билан боғлиқ замонавий адабиёт тадқиқотида филологик жиҳатдан ёндашиш тамойиллари асослаб берилган (University of Cambridge); Жан Бодриярнинг симулякр (воқеликда асли йўқ нарсанинг «нусхаси» сифатида қараш) назарияси, Жак Дерриднинг деконструкцияси (қолипни бузиш орқали тушунишга интилиш), Мишел Фуконинг «билимлар археологияси» асосида швед адабиётида замонавий кичик наср поэтикасининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган (Linnéuniversitetet); замонавий насрда биринчи шахс томонидан ҳикоя қилинишининг жорий усуллари ишлаб чиқилган (University of Edinburg); адабиётда «қонуниятлар ва қонунга зид ҳолатлар»ни очиб берадиган, аъъанавий реалистик насрнинг ролида аъъаналар бузилиши исбот қилинган (Москва давлат университети); адабиётшуносликнинг асосий

муаммолари спектрида нарратив (ўқувчига тақдим қилинган воқеалар кетма кетлигини ўзаро боғлиқликда баён қилиш) қарашлар ишлаб чиқилган: яхлитлик, образлилик, ифодалилик, асарнинг кўпсатҳлилик назарияси; замонавий асарларнинг яхлит эстетик таҳлили методологияси назарий жиҳатдан асосланган (Белорус давлат университети); бадиий деталлар назарий таснифи барча зиддиятларни ҳисобга олган ҳолда ва кичик насрда тадқиқ ва детални тасвирлаш усулларига урғу берувчи шакл ҳамда муаллиф индивидуал услубининг вазифадорлиги орқали илмий тавсифланган (Қозоғистон миллий университети); ҳозирги адабий жараёнда европа ва шарқ адабиётларининг ҳамкорлик аспекти ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Миллий университети); ҳозирги ўзбек насрида модернизм поэтикаси тизимга солинган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети).

Ҳозирги вақтда дунё адабиётшунослигида ҳикоя жанрига доир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда: замонавий адабиёт поэтикасининг турли даражалардаги анъанавий ва янги эстетиканинг ўзаро алоқадорлиги механизмларини ишлаб чиқиш; XX аср охири насрида содир бўлган бадиий шакл яратиш жараёнлари, улардаги услубий кўринишларини ўрганиш ва тавсифлаш; фикционал (ясама) ва нофикционал матндаги ровий «мен»и ва персонаж «мен»и нарративнинг асосий қоидалари лойиҳасини ишлаб чиқиш; нутқ субъекти / ҳаракат субъектининг ўзини идентификациялаш мезонларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳикоя жанр хусусиятларининг назарий асослари XX асрнинг 20-30-йилларида Россияда И.Виноградов, Б.Эйхенбаум, В.Шкловский, В.Гюффеншефер тадқиқотларида ишлаб чиқилган. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб илмий қарашлар ҳикоя жанрини бошқа кичик жанрлар (новелла, очерк)дан фарқлашга ва уни структур-семантик тушунишга қаратилди (В.Скобелев, Ф.Головенченко) ва ҳикоянинг ички жиҳатини таснифлашга йўналтирилди (А.Метченко, С.Петрова, П.Выходцев)¹.

Олимлар ҳикояни тадқиқ этиш ва жанр типологиясини ишлаб чиқишда асосан хронологик тамойилга таянишмоқда. «Русский рассказ // Очерки истории жанра» («Рус ҳикояси // Жанр тарихи очерклари») муаллифлари қуйидагича тасниф қиладилар: инқилобнинг илк йиллари ҳикоялари (Н.Грознова, В.Гречнев); 20-йиллар иккинчи ярми ҳикоялари (В.Бузник, Л.Ершов, А.Бритиков); 30-йиллар ҳикоялари (А.Сморodin, А.Иезуитов, Л.Ершов, А.Бритиков); уруш даври ҳикоялари (В.Шошин); урушдан кейинги давр ҳикоялари (В.Гречнев); 50-йиллар ҳикоялари (А.Павловский). XX аср иккинчи ярмида ҳикоя жанрлари типологияси Н.Гуляев, А.Богданов, Л.Юдкевич томонидан ишланди. Улар Г.Поспеловнинг ҳикояларни «очерк

¹ Қаранг: Теория литературных жанров (под редакцией Н.Д. Тмарченко). – М.: Издательский центр

«Академия», 2011; Боров Ю.Б. Эстетика. Теория литературы: энциклопедический словарь терминов. – М.: ООО «Изд-во АСТ», 2003; Теория литературы: Роды и жанры. – М.: ИМЛИ РАН, 2003; Чернец Л.В. Литературные жанры: проблемы типологии и поэтики. – М., 1982; Скобелев В.П. Поэтика рассказа. – Воронеж, 1982; Нинов А.А. Современный рассказ: Из наблюдений над русской прозой (1956-1966). – Л.: Худож. лит., 1969; Огнев А.В. Современный русский рассказ: 50-70-е годы. – М.: Просвещение, 1978.

7

(тавсифий-баёнӣй) ва новеллистик (тўқнашув-баёнчилик) тури»¹га ажратган назарий тадқиқотларига таяндилар.

Ўзбекистонда ҳикоя жанрини тадқиқ этиш, асосан, икки йўналишда амалга оширилмоқда: муайян тарихий даврда эпик жанрлар ҳолатининг умумий таҳлили (Н.Владимирова, М.Султонова, Х.Досмухамедов); бадиий метод ва услуб нуқтаи назаридан (И.Султон, У.Норматов, Н.Раҳимжонов, Б.Назаров). XX аср охирларида ўзбек адабиётшунослари шарқ адабиёти жанрлари поэтикасини фаол тадқиқ қилдилар, ҳикоя жанри назарияси маданиятшунослик йўналишида талқин этди (Х.Болтабоев, Д.Курунов)².

XX аср охири – XXI аср боши рус ва ўзбек адабиётида, рус ҳикоясининг жанр хусусиятлари ҳақида қатор тадқиқотлар мавжуд бўлса ҳам³, ҳикоя жанри поэтикаси ривожини муаммоси қиёсий жиҳатдан ўта муҳим бўлишига қарамай жиддий тарихий-адабий комплекс тадқиқот сифатида четда қолди.

Бир қатор тадқиқотларда ҳикоя у ёки бу замонавий ёзувчи ижодининг умумий контекстида таҳлил қилинади⁴.

Ҳозирги рус насри бўйича ҳикоя ўзига хос тамойиллари ва умуман, наср тараққиётининг умумий муаммолари контекстидаги таҳлили амалга оширилган илмий тадқиқотлар⁵ муҳим аҳамият касб этади. Лекин бу тадқиқотлар муаллифлари ҳикоя жанри тараққиётининг яхлит кўрсатишни назарда тутмаганлар. Адабий танқид методологияси ва катта аҳамиятга молик замонавий ҳикоялар ҳозирги адабий жараённинг фараз қилинаётган концептуал шакллари призмасидаги эмпирик таҳлилини Н.Иванова, М.Ремизова, А.Латынина, Е.Ермолин⁶ишларида кўриш мумкин. Юқорида айтилганларни

¹Литературная энциклопедия терминов и понятий / Гл. ред. и сост. А.Н. Николюкин. – М.: НПК «Интелвак», 2001. – С. 318.

²Владимирова Н.В. Развитие узбекской прозы XX века и вопросы художественного перевода. –Т.: Фан, 2011; Досмухамедов Х.Н. Ҳозирги ўзбек ҳикоясида бадиий тафаккурнинг янгилаши (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг аввалидаги ҳикоялар мисолида): филол. фан номз. дисс. – Т., 1995; Izzat Sulton. Adabiyot nazariyasi. – Uqituvchi: NMU, 2005; Норматова Ш. Поэтика рассказов А. Каххара (Мастерство повествования, своеобразие сюжетно-композиционного построения). – Автореф. дисс...канд.филол.наук. – Т., 1990; Назаров Б., Рахимжонов Н. Ўзбек ҳикоячилигининг жанр хусусиятлари // Адабий турлар ва жанрлар (тарихий ва назариясига оид). 3 томлик. – Т., 1991. Т.1: Эпос. – Т.: Фан, 1991; Болтабоев Х. Наср ва услуб. – Т.: Фан, 1992; Адабиёт энциклопедияси. – Т.: Mumtoz so'z, 2015; Курунов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Т.: Akademnashr, 2010.

³Сизых О. Поэтика русского рассказа конца XX – начала XXI века. – М. Флинта, 2015. – 176 с. ⁴Кудрявцева Р.А. Генезис и динамика поэтики марийского рассказа в контексте литератур народов Поволжья. – Дис... докт. филол. наук. – Чебоксары, 2009; Гайфиева Г.Р. Поэтика жанра рассказа в татарской прозе конца XX – начала XXI века. – Дис... канд. филол. наук. – Казань, 2010; Матыжева А.К. Новелла и рассказ в адыгейской литературе 20-90-х годов XX века. – Автореф... канд. филол. наук. – Майкоп, 2008; Пантелеева Т.Г. Поэтика удмуртского рассказа: автореф. дис. ... канд. филол. наук / Т.Г. Пантелеева. – Чебоксары, 2006 ва бошқалар. ⁵Мокрова М.В. Жанр рассказа в творчестве Б.М. Екимова: традиции и новаторство. – Дис... канд. филол. наук. – Волгоград, 2003; Ефременков А. С. Особенности психологического анализа в рассказах В. Маканина 1970- 1990-х годов. –

Автореф. дис... канд. филол. наук. – Тверь, 2006; Вершинина М. А. Автор и герой в прозе В. Маканина 1990-2000-х годов. – Автореф. дис... канд. филол. наук. – Волгоград 2011; Пушкарь Т. А. Типология и поэтика женской прозы: гендерный аспект: на материале рассказов Т. Толстой, Л. Петрушевской, Л. Улицкой. – Дис... канд. филол. наук. – Ставрополь, 2007; Бударина А.Н. Жанр рассказа в творчестве А. Кабакова. – Вестник ТГПУ, 2010, №4 (22). – С. 204-210 ва бошқалар.

⁶Иванова Н. Точка зрения. О прозе последних лет. – М.: Сов. писатель. – 1988; Ремизова М. Только текст. Постсоветская проза и ее отражение в литературной критике. – М., 2007; Латынина А. Большая антология рассказа. Заметки о премии имени Ю. Казакова // Новый мир, 2012. – №3; Ермолин Е. Медиумы безвременья: Литература в эпоху постмодерна, или Трансавангард. – М.: Время, 2015.

8

умумлаштирадиган бўлсак, замонавий ҳикоя жанри ҳар томонлама чуқур комплекс усулда илмий таҳлил этилишдан мосуво қолган.

Ўзбек адабиётшунослигида замонавий миллий ҳикоя поэтикасининг ҳар томонлама комплекс таҳлили амалга оширилмаган. Ҳикоя борасидаги нисбатан муфассал ишлардан бири Н.Владимировнинг тадқиқоти ҳисобланади¹. Бу тадқиқотда ўзбек адабиётида ҳикоя жанрининг шаклланиш ва ривожланишининг умумий тарихи ёритилган. «Ўзбек адабиёти тарихи» кўпжилдлигидаги ва «Адабий тур ва жанрлар (тарихий ва назариясига оид)»² китобидаги ҳикоя жанри билан боғлиқ кузатишлар XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек ҳикояси шарҳига бағишланган. Уларда ҳикоя жанрининг динамикаси кузатилган, унинг асосий тараққиёт йўналишлари, миллий анъаналарни англаш призмаси орқали ҳаққоний воқеликни тасвирлашнинг хусусиятлари аниқланган.

Ўзбек адабиётшуносларининг XX асрнинг иккинчи ярми наср жанри ривожининг методологик³, тарихий-адабий ва аналитик муаммоларига бағишланган тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек ҳикоячилиги қатор тадқиқотларда⁴ бир ёки бир неча ёзувчиларнинг ижоди контекстида, тадқиқ этилаётган носир ижоди хусусиятларини аниқлашга кўмак берадиган таҳлиллар амалга оширилган.

Айрим замонавий ўзбек ҳикояларининг таҳлилини «Ўзбек тили ва адабиёти», «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Таффакур» журналларидаги мақолаларда, шунингдек, илмий анжуманлар материалларида ҳам кузатиш мумкин. Р.Раҳмат, М.Шералиева, Ф.Хамроев, Г.Гарипова, О.Хегай, Н.Ильин мақолаларида Ҳ.Султон, Э.Аъзамов, Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам ҳикоялари таҳлил қилинган. Бу мақолаларда, асосан, замонавий ўзбек адабиётининг умумий ҳодисалари бўлган мифологизм, метафорика ва модерн тамойиллар тадқиқ этилган. Б.Каримовнинг «XX аср ўзбек ҳикояси антологияси»⁵га ёзган

¹Владимирова Н.В. Развитие жанра рассказа в узбекской литературе. – Дис. ... докт. филол. наук. – Т., 1980; Владимирова Н.В. Развитие узбекской прозы XX века и вопросы художественного перевода. – Т., 2011. ²История узбекской литературы. – Т.: Фан, 1994; Адабий турлар ва жанрлар (тарихий ва назариясига оид). Уч томлик. – Т., 1991.

³Мирзаев И. Человеческий фактор и художественное мышление. Основные тенденции развития современной узбекской прозы. – Т.: Фан, 1990; Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: Шарқ, 2005; Норматов У. Давр туйғуси. – Т., 1987; Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Филолог. фанлари д-ри ... дисс. – Т.: ЎзРФАТАИ, 2002; Досмухамедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоясида бадиий тафаккурнинг янгилаши (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг аввалидаги ҳикоялар мисолида): Филол. фанлари

номз ... дисс. – Т., 1995; Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Т.: ЎзРФАТАИ, 2003; Йўлдошев Қ.Ёниқ сўз. – Т., 2006; Расулов А. Роман поэтикаси талқини. – Т., 2007; Касимова З.А. Концепция мира человека в призме традиций национальной и мировой литературы. – Т., 2008 ва бошқалар.

⁴Каримов Н. Особенности развития узбекской литературы XX века и идеология национальной независимости. – Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Т., 1993; Болтабоев Х. Наср ва услуб. – Т.: Фан, 1992; Дустмухаммад Хуршид. Ёил ҳикоялари: ютуқлар ва изланишлар // Тил ва адабиёт таълими, 2011, №7. – 27-31б.; Шарафутдинова М. Особенности повествовательной структуры узбекского романа XX века в контексте мировой литературы – Автореф. ... докт. филол. наук. – Т., 2010; Хегай О. Русская проза рубежа XX - XXI

веков: современное состояние и тенденции развития. – Т., 2012; Сыздыкбаев Н. Художественный неомифологизм в литературе второй половины XX века. – Т., 2012; Гарипова Г. Художественная модель бытия в литературе XX века. – Т., 2012.

⁵ XX аср ўзбек ҳикояси антологияси. – Т., 2009.

9

кириш мақоласида XX аср ўзбек ҳикоясининг тараққиёти муаллифлар шахсияти концепцияси призмаси орқали кўрсатиб берилган.

Номи тилга олинган тадқиқотлар жуда катта фактик ва назарий-таҳлилий материалга эга бўлиб, икки аср чегарасидаги адабий жараён, хусусан, ҳикоя жанри поэтикаси ҳақида илмий хулосалар беради. Аммо тадқиқотчиларнинг ўз олдига қўйган бошқа мақсадлари натижасида XX аср охири – XXI бошлари ҳикоя жанри поэтикаси ривожининг концептуал муаммоси тилга олинган тадқиқотларда ҳам назардан четда қолган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетида амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар, «Жаҳон адабиёти» кафедраси томонидан ишланаётган «Замонавий адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари», «XX – XXI асрлар чегарасида адабий жараён» ва «Филологик таҳлил ва матн талқини муаммолари» комплекс мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср охири – XXI аср боши рус ва ўзбек адабиётида жанр поэтикасининг мазмун ва шаклий жиҳатларида ҳикоя тараққиётининг яхлит кўринишини асослаш ҳамда ҳикоя феноменини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ва Россияда XX аср охири – XXI аср бошлари адабиётининг тараққиёти ва маданий ҳолати типологик қонуниятлар йўналишларини ўзгартириши призмасида ҳикоянинг тадрижий тараққиёт шартлари ва жанр хусусиятларини тавсифлаш;

замонавий рус ва ўзбек ҳикоясидаги адабий-типологик ўхшашлик / фарқлиликларнинг кўриниши сифатида муаллиф, ровий ва қахрамон ўзаро алоқалари хусусиятларини очиб бериш;

«муаллиф-ровий-қахрамон» учлиги таҳлили контекстида XX аср 60-80-йиллари насри эстетик тамойиллари экстраполяцияси вариантлари сифатида муаммо-мавзуй соҳаларни акс эттирувчи замонавий рус ва ўзбек ҳикояларини таҳлилга тортиш;

муаллиф «мен»и хусусияти ва замонавий рус ва ўзбек ҳикоясида унинг тасвирини аниқлаш;

эмпирик материал билан белгиланган замонавий рус ва ўзбек ҳикоясидаги

муаллиф «мен»ининг турлари таснифини ишлаб чиқиш; замонавий рус ва ўзбек ҳикоясида шакл ҳосил қилиш тамойилларини тадқиқ қилиш;

турли жанр қолиплари билан диалог жиҳатдан рус ва ўзбек адабиётларида XX аср охири – XXI аср боши ҳикоясининг жанр ўзгаришлари табиатини таҳлил қилиш;

муаллиф «мен»ининг призмасида бадиий детал ишлашининг ўзига ҳосликларини очиб бериш ва жанр тараққиёти жараёнида борлиқнинг кульминацион лаҳзаларини қайд этиш шакллари типологиясини ажратиш орқали замонавий рус ва ўзбек ҳикоясида шакл ҳосил қилишда деталнинг ролини тадқиқ этиш.

10

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX асрнинг охириги ва XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида матбуотда эълон қилинган рус ва ўзбек ёзувчиларининг ҳикоялари¹ташkil этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида поэтиканинг асосий йўналишлари нуқтаи назаридан XX аср охири - XXI аср бошлари рус ва ўзбек ҳикояси поэтикасининг тадрижи ва мазмуний динамикаси белгиланди.

Тадқиқот усуллари. Мазкур тадқиқот методологиясини қиёсий типологик, қиёсий-тарихий, структур-семантик таҳлил ҳамда герменевтик принциплари (матн талқини) ва матннинг адабий таҳлил усуллари ташkil этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлиги призмасида замонавий рус ва ўзбек ҳикояси поэтикаси тизимга солинганлиги XX аср охири – XXI аср боши ҳикояларини ҳозирги адабий жараёндаги эстетик феномен сифатида эканлиги исботланган;

субъектив-очиқ позиция ҳақиқий воқеликка нисбатан замонавий ўзбек ва рус ҳикоясининг яхлитлигини таъминловчи етакчи принципга айланиб бориши исботланган;

замонавий ҳикояда муаллифлик даъвосининг у ёки бу хусусиятига мувофиқ тарзда «мен»и турлари асосланган;

замонавий ҳикоя жанр ўзгариш феномени типологик жиҳатдан аниқланган, шунингдек, «муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлиги хусусияти ва ҳозирги адабий жараённинг муаммо-мавзуий соҳаси призмасида замонавий ҳикоялар тизимидаги функционал-семантик белги асосида деталь типологияси аниқланган;

замонавий ўзбек ва рус ҳикояси миллий ва умуман дунё адабиёти адабий жараёни ривожига хусусиятлари билан белгиланадиган ўзига хос ҳодиса эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: ҳозирги адабий жараённинг тўлақонли концептуал моделини яратиш бўйича ўзбек адабиётшунослиги методологик базаси тўлдирилган; XX – XXI асрлар чегарасида ҳикоя жанри тараққиётининг яхлит манзараси ишлаб чиқилган; замонавий рус ва ўзбек ҳикояси поэтикаси ҳақидаги тасаввур

кенгайтирилган;

¹Кичик насрга оид қатор асарлардан шарҳ ва таҳлил учун манба танлаб олишда биз, субъективликдан тўлиқ воз кечиш имкони бўлмаса-да, муайян тамойилларга таяндик. Таҳлил учун жанр структураси билан ажралиб турадиган ва у ёки бу даражада бадиий қимматга эга, у ёки бу даражада мутахассислар томонидан баҳоланган ва умум эътироф этилган асарлар танлаб олинди: кичик наср асосий муаммо-мавзуий соҳасига тўғри келадиган рус ва ўзбек ҳикоялари; йилнинг энг яхши ҳикояси учун бериладиган Юрий Казаков номидаги адабий мукофотининг 2000-2011 йиллар давомида мукофот рўйхатига кирган рус ҳикоялари, шунингдек, асрлар чегараси адабиёти тараққиётида муҳим рол ўйнаган 90-йиллар ҳикоялари; ҳикоя жанри ижодида асосий йўналишга эга ўзбек ёзувчиларининг ҳикоялари ҳамда мазмуни муҳимлиги ва бадиий шаклининг янгилиги билан ажралиб турадиган асарлар (бу муаллифларнинг ижоди кам ўрганилган ёки тадқиқот объекти бўлмаган) олинган.

11

замонавий ўзбек ҳикояларининг рус тилига таржимаси амалга оширилган ва «Река души моей» антологияси (замонавий ўзбек ёзувчиларининг ҳикоялари) сифатида нашр қилинган;

рус ва ўзбек ҳикоясининг қиёсий тадқиқи нафақат адабиётшунослик, балки маданиятшунослик жиҳатдан ҳам аҳамиятига эга эканлиги ва миллатлараро маданий алоқаларни ривожлантириш, бағрикенглик, ўз ва ўзга маданиятга ҳурмат билан қарашга ёрдам бериши мумкинлиги аниқланган;

адабиётшуносликда XX – XXI асрлар чегарасида рус ва ўзбек адабиётидаги кичик наср поэтикасини ўрганишда муаллиф «мен»ининг интроверт тури, муаллиф «мен»ининг ювенал-ретроспектив тури каби истилоҳларни қўллаш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги усуллар, ёндашувлар ва илмий ва бадиий манбалардан олинган маълумотларнинг фойдаланилгани, ўзбек ва рус ҳикояларининг адабий таҳлили қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик методлар асосида олиб борилганлиги, амалиётга хулоса ва тавсиялар татбиқ қилинганлиги, тегишли ташкилотлардан олинган тасдиқлар билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жанр назарияси, назарий поэтика, адабий компаративистика, XX – XXI чегараси адабиёти тарихи, адабий танқид бўйича назарий ишларни яратишда; олий таълим муассасаларида ўқитиладиган адабиётшуносликка оид назарий фанлар учун дарслик ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштириш учун манба сифатида мазкур тадқиқот натижалари татбиқ этилиши мумкин. Диссертациянинг назарий хулосалари турли миллий адабиётларда жанр поэтикасини тадқиқ этишда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти бадиий асар таҳлилида компаративистик усуллар яратишда, адабиётшунослик луғатларидаги мавжуд шарҳ ва изоҳларни такомиллаштиришда, кичик насрда детал типологиясини яратишда қўлланилиши билан белгиланади. Бундан ташқари, рус ва ўзбек ҳикояларининг қиёсий тадқиқи маданиятшунослик жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот давомида олинган натижалар миллий мустақиллик ғоясини сингдириш ва баркамол шахсни шакллантиришда ҳам муҳим аҳамиятга молик.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX – XXI асрлар рус ва

ўзбек адабиётларида ҳикоя жанри поэтикаси тараққиёти таҳлилида ишлаб чиқилган методик ва амалий таклифлари асосида:

Ўқувчиларда филологик, эстетик тафаккурни ривожлантиришнинг адабий хусусиятлари ва омиллари, замонавий ўзбек адабиётини тушуниш маданиятини таркиб топтириш механизмлари ва ахборий-дидактик таъминоти ҳамда қиёсий адабий ёндашув асосида ҳозирги ўзбек адабиётини ўрганишнинг амалий технологик жиҳатлари лицей ва коллеж талабалари (рус гуруҳлари учун) учун яратилган «Узбекская литература» (№220-3, 2012) дарслигига сингдирилган. Бу эса ижтимоий-гуманитар, эстетик ва маънавий-ахлоқий тарбия турларини ташкил этишнинг қиёсий-адабий ёндашуви орқали бўлажак ўқувчиларни филологик тайёрлаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

12

5A120101 – «Адабиётшунослик (рус адабиёти)» магистратура мутахассислиги Давлат таълим стандарти (O'zstandart давлат агентлигида 2014 йил 7 августда O'zDSt 36.12.12:2014 №4810-сон билан рўйхатга олинган) мазмунига татбиқ этилган. Татбиқ этилган материаллар жанрни адабиётшунослик категорияси, XXI аср бошларида жанрий диспозиция сифатида аниқлашга; замонавий рус адабиётида янги жанрлар, муаллиф «мен»и турлари мавжудлигини тасдиқлаш; замонавий адабий компаративистиканинг хусусиятларини аниқлашга хизмат қилган;

5120100 – «Филология ва тилларни ўқитиш (рус тили)» бакалавриат йўналиши Давлат таълим стандарти (O'zstandart давлат агентлигида 2014 йил 10 октябрда O'zDSt 36.15.50:2014 №5172-сон билан рўйхатга олинган) мазмунига татбиқ этилган. Татбиқ этилган материаллар замонавий асарларни адабий таҳлил қилишга ўргатиш; замонавий ҳикояда жанрлар трансформациясини аниқлаш; замонавий бадиий асарларни қиёсий-типологик таҳлил учун танлаш муаммосини ҳал қилиш; замонавий адабиётда эпик жанрлар тавсифи муаммосини ҳал қилишга ёрдам берган;

адабий метод ва усуллар тизими Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган ОТ-Ф8-151 – «Адабиёт энциклопедияси» фундаментал лойиҳасида ҳикоя жанрининг назарий тамойилларини ёритиш, шунингдек, ҳикоя жанрини миллий адабиётлардаги адабиётшунослик категорияси сифатида таърифлаш қисмларига жорий қилинди (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг ФТК-03-13/662-сонли далолатномаси). Натижада компаративистик метод замонавий рус ва ўзбек адабиётини жаҳон адабий жараёни тараққиёти контекстида самарали тадқиқ этиш мумкинлигини кўрсатган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий конференция ва семинарларда, жумладан, «Мир Востока и мир Запада в филологическом, историческом и культурологическом аспектах» (Тошкент-Самарканд, 2012), «Вопросы. Ответы. Гипотезы: наука XXI век» (Польша, 2014) мавзуларидаги халқаро ҳамда «Узлуксиз таълим тизимида ўқув ижодий фаолиятни фаоллаштиришнинг назарий ва амалий асослари» (Тошкент,

2008); «Виноградовские чтения в Узбекистане» (Тошкент, 2012, 2014); «Хорижий тилшунослик, адабиётшунослик ва ўқитиш услубияти масалалари» (Жиззах, 2009); «Текст и контекст» (Тошкент, 2013); «Ўзбек адабиёти масалалари» (Тошкент, 2013); «Наука и искусство» (Тошкент, 2013); «Восток Запад: аспекты взаимодействия» (Тошкент, 2013, 2014, 2015); «Русский язык и литература в Узбекистане» (Тошкент, 2013, 2014) мавзуларидаги республика илмий-амалий конференцияларда маъруза сифатида баён этилган ва апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 1 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола ва 11 тезис, жумладан, улардан 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

13

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 262 саҳифа матндан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, ишнинг зарурати ва янгилиги, илмий-назарий, амалий аҳамияти асосланган, диссертациянинг мақсади, вазифалари аниқланган, муаммонинг ишланганлик даражаси очиб берилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳланган ҳамда тадқиқотнинг методологияси кўрсатиб берилган.

Тўрт фаслни ўз ичига олган **«XXI аср бошларида Россия ва Ўзбекистондаги адабий жараён типологик қонуниятлари контекстида ҳикоя»** деб номланган биринчи бобда Ўзбекистон ва Россиядаги замонавий адабий жараёнда ижтимоий-типологик ҳамда адабий-типологик омилларни тадрижий ўрганишга асосланган таъриф берилган. Бу эса, ўз навбатида, ҳикоя жанрини назарий жиҳатдан умумлаштириш, замонавий адабиётда ҳикоя жанрининг ривожланиш омилларини аниқлаш ҳамда кичик наср характери адабиётнинг умумий тараққиёт қонуниятлари йўналиши ва маданий ҳолатини ўзгартирган, деб таърифлаш имконини берди.

Тадқиқотда XX аср охири – XXI аср бошлари собиқ иттифоқ ҳудудида ижтимоий жараёнларнинг чигаллиги, турмушнинг барча соҳаларда қайта куриш даври бўлиб ўтганлиги таъкидланади. Коммунистик мафкуранинг таназзули, иттифоқнинг парчаланиб кетиши ғоялар курашига, цензуранинг бекор қилиниши ва ижодий эркинликка йўл бериши билан бир қаторда рухий ҳолатнинг бўшлиққа юз тутгани ҳам очиб берилади. Шунингдек, сиёсий иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳаларда амалга оширилган демократик ва бозорга оид тажрибалар маданиятда турли изланиш ва тадқиқотлар яратишни тақозо қилди. Хусусан, бундай тажрибалар маданий қатламда турфа

фикрлиликлнинг пайдо бўлиши, индивидуалликлнинг жамоавийликдан, тажрибакорликлнинг анъанавийликдан устун келишида намоён бўлди.

Бу ҳодисаларнинг барчаси XX-XXI асрлар чегараси адабий жараёнига бевосита ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бу давр адабиётининг кўлами ғоятда кенг: бунда анъанавий ижтимоий, маиший, руҳий реаллик билан бир қаторда ҳаётининг поэтика, модернизмнинг турфа тажрибалари, шартлиликл, силжиш ва эврилишнинг турли шакллариининг қўлланилганлигини кўриш мумкин.

Биринчи бобнинг «XX аср охири – XXI аср бошлари рус адабиётининг тамойиллари» деб номланган биринчи фаслида бугунги кун бадиий изланишларидаги мураккабликларда ҳикоя жанрининг ўрнини аниқлаш мақсадида М.Ремизова, Н.Иванова, С.Чупринин ва Е.Ермолиннинг¹замонавий рус адабий жараёнига оид тамойиллари таҳлилга тортилди. Амалга оширилган

¹Ремизова М. Только текст. Постсоветская проза и ее отражение в литературной критике. – М.: Совпадение, 2007; Иванова Н. Ускользающая современность. Русская литература XX – XXI веков: от «внекомплектной» к постсоветской, а теперь и всемирной // Вопросы литературы. – 2007. – №3. – С. 30-53; Чупринин С. Нулевые: годы компромисса // Знамя. – 2009. – №2; Ермолин Е.А. Медиумы безвременья: Литература в эпоху постмодерна, или Трансавангард. – М.: Время, 2015.

14

таҳлиллар натижасида ҳозирда умумий, барча тарафидан эътироф этилган замонавий адабий жараён тамойили яратилмаган, аммо уни яратишга бўлган ҳаракат мавжуд, деган хулосага келиш мумкин. Фикримизча, бундай тамойилнинг яратилишида айрим умумлашма қонуниятлар кўзга ташланади.

Биринчи бобнинг «XX аср охири – XXI аср бошлари ўзбек адабиётининг концептуал модели» деб номланган иккинчи фаслида Й.Солижонов, Ҳ.Каримов, Н.Владимирова, Г.Гарипова¹ каби адабиётшуносларнинг ўзбек адабиётини қайта тиклаш деб баҳолашга қаратилган талқинлари таҳлил қилинган. Фаслда диссертантнинг Мустақиллик даври адабий жараёни концепцияси берилган ва бу босқич даврий хронологик тартибда ифодаланган:

1. «Ўтиш» даври, яъни мустақиллик арафаси (1985 – 1990). Бу давр учун адабиётнинг реалистик тарзда ифодаланиши; дунёни тасаввур қилишдаги эврилишга сабаб бўлган замон ва макон тушунчасининг ўзгариши; тарихий шахсларга қизиқишнинг ортиши ва тарихий ўтмишнинг қайта баҳолашга интилиш; бадиий ижодда имманент (ички) изланишлар ва дидактизмдан воз кечиш тамойиллари характерли.

2. Қайта назардан ўтказиш - таҳлилийлик даври (1991 – 2000). Бу даврда ўзбек адабиёти миллий ўзига хослик – глобаллашув, эстетик қиммат – бозор иқтисоди каби бир-бирига зид тушунчалар домига тушиб қолди. Бу эса ўз навбатида, адабий майдон манзарасига жиддий таъсир ўтказди. Ўзбек адиблари борлиқни фалсафий мушоҳада қилиш орқали замонавийликни акс эттирадиган янги шакллари кидира бошладилар. Бу даврда бадиий асарларнинг эстетик қоида қобиғида шаклий тажрибаларга кенг ўрин берганини кузатиш мумкин: анъанавий воқелик, тасвир усулининг модернистик тажрибаси, оммавий адабиёт, фантастика ва ҳ.к кузатилади.

3. «Верданди» даври (2001 йилдан). Адабиётнинг ҳозирги ҳолати ўзбек мумтоз тасвир усуллариининг реалистик, модернистик ва постмодернистик

анъаналар синтезлашуви билан характерланади. Бугунги адабий ҳолатни куйидагича тасаввур қилиш мумкин: ўзбек адабиёти тарихида содир бўлган барча жараён ва ҳодисалар бугунги адабиётга фаол таъсир ўтказмоқда ва адабий жараён бугунги кун талаблари асосида янгиланиб, келажак адабиётини шакллантирмоқда. Ушбу давр куйидаги жиҳатлар билан белгиланади: демократик ислохотларнинг чуқурлашуви ва мамлакатда фуқаролик жамиятининг шаклланиши, маданий глобаллашув, замонавийлашув ва Интернетнинг кенг тарқалиши.

Биринчи бобнинг «Ҳикоя жанри парадигмасининг назарий асослари» деб номланган учинчи фаслида адабиётшуносларнинг ҳикоя жанри ҳақидаги назарий тадқиқий тажрибалари умумлаштирилган, кичик жанрга хос кўп такрорланувчи белгилари ажратиб кўрсатилган (эпик турга тегишлилиги, мавзуси, конфликт тури, бадиий дунёнинг тезкорлиги, асарнинг субъектли

¹Солижонов Йўлдош. XXI аср насри манзалари: мавзу, муаммо ва ечим // Шарқ юлдузи, 2011. – №4. – 147-157 б.; Каримов Х. Бугунги насрнинг хусусияти ва тамойиллари. // Шарқ юлдузи. – 2010, №3. – 142- 149 б.; Владимирова Н.В. Развитие узбекской прозы XX века и вопросы художественного перевода. – Т., 2011; Гарипова Г. Концептуальные тенденции развития узбекской литературы конца XX – начала XXI веков. – [Электрон манба]. – URL: <http://ziyouz.uz/ru/literaturovedenie/49-literaturnaya-kritika/977>.

ташқилланиши, асар ҳажмининг ихчамлиги, иштирок этувчи персонажлар сонининг камлиги, сюжетнинг бир чизиқлилиги, барча тасвир воситаларининг бир матнда жамланиши) ва фасл сўнгида тадқиқотчининг М.Бахтин томонидан асосланган воқелиги тез ўзгарадиган жанрлар диалоги ҳақидаги хулосалар асосида ҳикоя жанри борасидаги кузатишлари берилган. Ҳикоя – бу кичик эпик жанр бўлиб, унда абадий мавзунинг айрим қирраларини яққол кўрсатиб бера оладиган ҳаётий материални иложи борида лўнда шаклда акс эттирадиган тезис-дискрет тафаккур тури намоён бўлади, доим «бир лаҳзада» қарама қаршилиқни кўрсата олади, асарнинг «муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлиги характери билан боғлиқ ўзига хос субъектли ташқилланишига эга ва барча тасвирий воситаларни ўзида жамлаган.

Ҳикоянинг белгилари бизга жанрнинг алгоритмик моделини тузиш имконини беради. Аммо бадиий адабиёт тарихидаги ҳар бир давр бу алгоритмга ўз тузатишларини киритиб боради. Бу, бизнинг фикримизча, даврнинг ижтимоий-маданий ўзига хослиги ва адабиёт ривожининг ички қонуниятлари билан белгиланади.

«Ҳикоя жанри тарақиётининг омиллари, унинг адабиёт ривожининг умумий қонуниятлари ва маданият ҳолати билан ўзаро боғлиқлиги» деб номланган тўртинчи фаслда рус ва ўзбек адабиётида ҳикоя жанри ривожининг ҳозирги шароити таҳлил қилинган. XX асрнинг 60-80-йиллари бадиий насрига мурожаат бу ўринда жанрнинг поэтикасига маънавий, хусусан, бир тарихий адабий даврнинг бошқаси билан алмашилиши билан боғлиқ маданий жараёнларнинг таъсирини кўрсатиб бериш билан асосланади. Бундан ташқари, адабиёт тарақиётининг олдинги даврларида, одатда, келажакда ҳал қилувчи ва белгилаб берувчи аҳамиятга эга янги йўналиш, янги ғояларнинг шаклланиш

асослари пайдо бўлади. Яна шуни таъкидлаш керакки, адабий даврлар алмашинуви (биз кузатган ҳолатда 60-80-йиллар адабиётининг замонавий адабий жараёнга алмашинуви) инқилобий характерга эга бўлган тарихий ижтимоий кескин ўзгаришлар билан белгиланади. Айни мана шу кескин бурилишлар асосий мавзу оқимларини (қишлоқ, шаҳар, ҳарбий, фантастик, тарихий, муҳожирлик насри), шунингдек, ўша давр асарларини лирик эътиқодий йўналишга эга бўлганлигини белгилаб берди.

«Муаллиф, ровий ва қаҳрамон ҳолатининг ҳозирги рус ва ўзбек ҳикоясида адабий-типологик ўхшашлик/фарқлилик кўриниши сифатида» деб номланган иккинчи боб уч фаслни қамраб олган ва замонавий ҳикояда муаллиф, ровий ва қаҳрамоннинг статусли ўзаро алоқасидаги ўзига хосликни очиқ беришга қаратилган. Мазкур бобда учликнинг ўзаро алоқаси олдинги давр насри асосий мавзулари экстраполяцияси (нарс ва ҳодисанинг бир қисмини кузатиш асосида олинган хулосаларни унинг бошқа қисмига ёйиш ёки татбиқ этиш) билан муаллиф (поэтика ва муаммолар мажмуини, яъни ифода режаси ва мазмун режасини умумлашма ҳолда бир-бирига боғловчи категория сифатида), ровий (муаллиф дунёқараши эгаси ва реал воқеликни англаш/акс эттириш шакли сифатида) ва қаҳрамон (маълум қадрият йўналиши соҳиби сифатида) категориялари ўзаро муносабатлари хусусиятларини кўрсатиб берилган. Бизнингча, олдинги бобда қисқача таърифланган XX аср 60-80-йиллари насри

16

тараққиётига хос бўлган йўналишлар замонавий кичик наср томонидан давом эттирилган ва уч тармоққа ажралиб кетган:

1. Тарихий, ижтимоий-маданий истиқбол бўҳрони.
2. Тоталитар тизимнинг парчаланиши билан боғлиқ танглик, катта ва кичик урушлар акс садоси.
3. Қишлоқ турмуш тарзининг сўниши билан боғлиқ танглик.

Бу муаммо-мавзу масалалари «муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлиги муносабатлари таъсири орқали иккинчи боб фаслларида ёритиб берилган. Бу таҳлиллар, бизнингча, нафақат жанр тараққиётидаги ўзига хосликни кўрсатиб беради, балки ҳикоя томонидан қайд этилган ва XX аср охири – XXI аср бошлари инсоният ҳаётининг асл ҳолатини акс эттирувчи муаммолар спектрини аниқлаш имконини ҳам беради.

Иккинчи бобнинг «Ҳозирги ҳикояда муаллиф, ровий ва қаҳрамоннинг ижтимоий-маданий бўҳрон контекстидаги ҳолати» деб номланувчи биринчи фаслида шўро давлатининг тарихий, ижтимоий-маданий истиқболга бўлган расмий қараши аср охирига келиб бутунлай бадном бўлди ва йўқ бўлиб кетганлиги, унинг ўрнини келажакни тасвирловчи бирор ғоя эгаллама таъкидланади. Келажак образи аниқликдан, муайянликдан маҳрум қолди. Бу контекстда ҳикоя алоҳида вазифаларни бажарди:

- 1) ҳикоя янги, етилиб қолган муаммони қаламга олиш билан ҳам инсон, ҳам жамиятнинг ҳаракат йўлига назар солиш, олдиндан билишга ҳаракат қилди;
- 2) ёзувчилар замонавий дунё тузилишидаги ноидеаллик, ҳатто бемаъниликдан далолат берувчи замонавий воқеликнинг кун тартибидаги асосий муаммоларни

ёза бошладилар: маънавий ва ахлоқий бўҳрон, тоталитар онгга боғлиқлик ёки ундан воз кечиш жамият шаклининг ўзгариши ва инсон қиёфасининг йўқолиши. Шартли келажак замонавийлик ёки амалга ошиши муқаррар бўлган истиқбол, бугунги кунда инсоният ҳолати ҳақида сўз юритишга асос бўлади.

XX-XXI аср бўсағасида Россияда Л.Петрушевская («Янги Робинзонлар», «XX аср йилномаси», «Гигиена»), В.Маканин («Пролетарск туманида Сюр» ҳикоялар туркуми), В.Бабенко («New-Москва», «Қизил майдондаги ўйинлар (ҳез монологи)»), М.Веллер («Номсиз шухрат», «Дантесга ҳайкал»), В.Пелевин («Булдозерчи куни»); Ўзбекистонда эса Н.Эшонқул («Муолажа»), У.Ҳамдам («Ҳайкаллар ороли»), Р.Раҳмат («Адашбой») ва бошқа адибларнинг келажакка изчил назар солиш руҳидаги ҳикоялари майдонга келди.

Бундай ҳаёлий ҳикоялар тараққиётнинг муаммолари ҳақида кенг фикр юритувчи ҳаёлий роман (В.Войнович «Москва 2042», Э.Лимонов «316, «В» пункти» ва бошқалар) ҳамда замоннинг муҳим масалалари ёки яқин келажакдаги воқеаларга боғлаган ҳолда ёки ўтмишга мурожаат қилган шаклда умумлаштиришга қаратилган ҳаёлий қиссалар (В.Пелевин «Омон Ра», А.Курчаткин «Экстремистнинг кундалиги» ва ҳ.к.)дан фарқли равишда бирор мантиққа мос келмайдиган эпизод атрофида воқеаларни мужассамлаштиришга қаратилган. Асарнинг метасюжети, универсал лейтмотивини қочиш, эпидемия, тартибсизлик ва бемаънилик асосига қуриш ташкил этади. Бундай ҳикояларда «муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлигининг бир неча шаклдаги муносабатлари

17

тақдим этилади. Муаллиф-ровий гоҳ қаҳрамонга жуда яқинлашади, гоҳ «кичик одам»нинг ҳаёт бемаънилигидаги бузилган фикрини кўриш имконини яратиш мақсадида ундан узоқлашади. Аукториал ҳикоя қилиш, аниқлик киритиш ва қавсга олинган изоҳлар, қаҳрамонларнинг ички ҳолати тасвири «ортдан» кузатиш, «бирга» кузатиш, ички ва ташқи фокуснинг торайиши тарзида тақдим қилинади.

«Муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлиги тузилишидаги типологик ўхшашлик В.Бабенконинг «Қизил майдондаги ўйинлар» ҳикояси ва ўзбек ҳикоянависи Н.Эшонқулнинг «Муолажа» асарларида кўринади. В.Бабенко каби Н.Эшонқул ҳам асарда муаллиф иштирокидан воз кечиб хроника ёзувчи йигитнинг қайдлари шаклидаги дискрет монологни танлайди. Ва сўнгги жумладагина – «...соатлар тўхтаган, куннинг қайси вақти эканлигини аниқлаш имкони йўқ, енгилмас шаҳарнинг пайпаслагичлари сайёра бўйлаб ёйилгани ҳақида хушхабар келтирган чопарлар каби бизнинг изларимиз ва даволанаётган беморларнинг умидсиз инграши каби оёқ остидаги баргларнинг ғичирлаши» – «муаллиф» В.Бабенко «муаллифи» каби олдинги планга чиқади.¹ Агар «Қизил майдондаги ўйинлар» ҳикоясида «бошқалар»ни жазолаш оммавий эрмак тарзида тасвирланган бўлса, «Муолажа»да эса «профессор-шифокор»нинг юқумли касаллик билан курашишда «таъсирли» усулни («савалаш») қўллаши инсонийлик ҳаракати сифатида ифодаланган. Шундай бўлса-да, «саваловчилар»нинг ваҳшийлиги, қон, тирик гўшт, «касаллар»нинг илтижолари одатий ҳодиса сифатида қабул қилинади (Шуни қайд этиш керакки,

В.Бабенкода қон, жароҳатлар, қичқириқ ва нолалар, ўлим – оммавий ўйинга хос бўлган ҳодиса сифатида берилган).

Икки ҳикояда ҳам «муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлигидаги асосий вазифани ровий бажаради. Унинг ўзи кундалик воқеалар тасвирини чизади: «Қизил майдондаги ўйинлар»да – қизиқиш, завқ-шавқ, «Муолажа»да – профессорга мафтункорлик ва унга бўлган ишонч. Ровийнинг бу каби типи муаллифларга кўрқиш – шахсни йўқ қилишга қаратилган золимона ҳукмронликнинг умумлашма образини яратиш имконини беради.

Мазкур ҳикояларда қўлланилган киноя ва мантиқсизлик (алогизм) усуллари фақатгина абсурд дунёни тасвирлаш воситаси эмас, балки муаллиф, ровий ва қаҳрамон орасидаги ўзаро боғланишни жой-жойига қўйиш тактикаси ҳамдир. «Нуктаи назар» (Б.Успенский) субъектив ва объектив характерга эга. Чунки киноя ва мантиқсизлик, оз-оздан бўлса-да, муаллиф позициясини очиқ боради. Икки тарафлама қараш яратилади – бир тарафдан, эркин фикрловчи шахсни йўқ қилиш айти «эзгулик» ва бошқа тарафдан – бу «эзгулик» ўзида нимани ифодалаши назарда тутилади. Таъкидлаш керакки, антиутопияга хос бўлган тамойил (шахсият устидан зўравонликка қарши исён) бузилмоқда, муаллифлар бошқа йўл тополмайди, манзара, кўриниш йўқ. Айти мана шу ҳолатда постсовет даври жамиятида ижтимоий-маданий бўҳрон намоён бўлади.

¹Эшонкул Н. Муолажа. Ҳикоя. [Электронн манба]. – URL:[http://www.kutubxona.com/Nazar_Eshonkul_Muolaga_\(hikoya\)_/Kiril](http://www.kutubxona.com/Nazar_Eshonkul_Muolaga_(hikoya)_/Kiril)

В.Маканин «Иероглиф» ва «У ерда жуфтлик бор эди... » ҳикояларида ровийни жонлантиради. Бу янги шаклланаётган жамият ҳақидаги тасаввурни шакллантириш имконини беради. Муаллифнинг қараши ёшларга («У ерда жуфтлик бор эди») ва янги жамиятда зиёлиларнинг ролини аниқлаштиришга қаратилган. Муаллиф позициясининг эркинлиги, ровийнинг эҳтироссизлиги ўз муносабатини билдириш масаласига қаратилмаган, балки ёшлар онгида шаклланаётган ўзгариш ёки содир бўлаётган тарихий жараёнларнинг даврийлиги ёки келажак олдидаги кўрқинч ва омманинг «хайвоний» кўрқуви ўртасида мувозанат сақлаётган зиёлининг фожиали ҳолатини гавдалантиришдир. Н.Эшонкул «Ажр» ҳикоясида «мозаика» усулидан постсовет даври ўзбек зиёлисининг умумлашма образини яратишда фойдаланган. В.Маканин «Сюр» ҳикоясида барча нарсага кодир фантастик образ – сюрни, «Иероглиф»да эса «раксга тушаётган митти иероглиф одам»ни яратган бўлса, Н.Эшонкул бу икки нуктаи назарни бирлаштиради: елкасида чолни кўтариб (виждон) абадий кезиб юрадиган одам (падаркуш). Таъкидлаш жоизки, бу асарлар деярли бир вақтда, XX асрнинг 90-йилларида яратилганлиги ва бунга ҳикоя жанридаги типологик ўхшашлик ҳам далолат беради. Бу асарларда «муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлиги шундай тузилганки, асосий урғу қаҳрамонга қаратилган бўлса-да, муаллифнинг зоҳирий «жимлиги» акс товуш берувчи скрипка ролини ўйнайди. Шундай тарзда иккитарафлама кўриш

эффе́кти яратилади ва бу ҳодиса совет даврини бирёқлама идрок қилишнигина эмас, ифода ва баённинг субъектив-объектив шакли ҳам мавжудлигини таъкидлашга имкон яратади.

Айрим ҳикояларда (М.Веллер «Номсиз шуҳрат») «муаллиф-ровий қаҳрамон» учлигининг ноанъанавий ўзаро боғланиши кузатилади. Муаллиф икки турли намоён бўлади: бир тарафдан у турли «қиёфалар»га бўлиниб кетса, иккинчи тарафдан – субъектив нуқтаи назар билдираётган контраст образлар тизимини гавдалантиради.

Р.Раҳматнинг «Адашбой» ҳикоясида шахс ва жамият конфликти якка шахс ва оломон муносабати тавсифи орқали амалга оширилган. Ҳикоянинг биқиқ муҳитида антиутопия элементларини қўллаш муаллифга «инсон ва жамият» муаммосини маънавий-психологик соҳага олиб ўтишга имкон берган. Озодлик ва зулм кураши бош қаҳрамон қалбида жамланган. Р.Раҳмат ўз бадиий фаразларини айна кураш натижаси билан боғлайди. У.Ҳамдам изланишлари бироз бошқа йўналишда ривожланади. «Ҳайкаллар ороли» ҳикоясида Қуръондаги дунё яралиши сюжетида истифода қилар экан, у вақтга тааллуқсиз, ундан ташқари моҳиятга эга бўлган умумий муаммоларга мурожаат қилади. Таъкидлаш керакки, ҳикояда характерлар, исмлар йўқ. Улар – қабила қисмлари, бундан ортиқ нарса эмас (шу ерда асрнинг Л.Петрушевскаянинг «Янги Робинзонлар» ҳикояси билан ўхшашликни айтиб ўтиш жоиз). Ёзувчига орол аҳлини амалда йўқ қилаётган «шуҳратталаблик ва нафсоният» касаллигининг хатарини кўрсатиш муҳим.

Хулоса тарзда айтадиган бўлсак, рус ва ўзбек ҳикоясида замонавий воқеликнинг муҳим муаммолари ҳамда инсон ва жамият истиқболини тафаккур қилишда антиутопия элеменларига фаол мурожаат қилиш кузатилади.

19

Воқеаларнинг «бўсаға» эпизодлари атрофида жамланиши ижтимоий тузумнинг салбий жиҳатларини очиқ бериш билан бир қаторда замондош инсон қалбидаги деформация, ўзгаришлар бўҳронини нишонга олди.

Ҳикояларда ижтимоий фаразлардан ташқари замонавий инсоннинг маънавиятига катта эътибор қаратилган. Айна мана шу жиҳат кичик насрда бир қатор фалсафий муаммолар (тоталитар дунёқарашдан озод бўлиш, шахс эркинлиги, инсон ва давлат, инсонлараро тенглик ва ҳ.к.)нинг шаклланишига хизмат қилди.

Иккинчи бобнинг «Тоталитар тизимнинг парчаланишидаги танглик, урушлар акс садосининг ҳикоядаги тасвири ва муаллиф, ровий ва қаҳрамон ҳолати» деб номланган иккинчи фасли тарихий ўтмишга бўлган янгича муносабат, XX асрда халқ тақдири, «ватан» ва «маҳаллий» урушлар муаммоларини ўзида акс эттирган ҳикоялар таҳлилига бағишланган. В.Маканин «Кавказ асири» ва Ш.Холмирзаев «Йиғи» ҳикояларида тарих ва маданиятни кузатиш билан мушоҳада орқали ҳақиқатни англаш ва умумийликдан шахсийликка қараб борган бўлсалар, 1990-2000-йиллар бошларида ижод қилган А.Бабченко, А.Карасев, З.Прилепин, С.Тютюнник, Г.Садуллаев каби «янги ҳарбий наср» вакиллари рус адабиётида шахсий тажрибаларига таянган ҳолда

ўзларининг «ҳаёт ҳақидаги билимлари»ни ҳикоя жанрига татбиқ қилдилар. Уларнинг асарлари ҳаққонийлиги ва фактографик жиҳатдан бойлиги билан ажралиб туради.

Бундай асарларда муаллиф қўллаган усул бу – уруш воқеаларини қандай содир бўлган бўлса шундайлигича тасвирлаш, фактографиклик, натуралистик элементлар, публицистика кабилардир. Бу эса ўз навбатида, «муаллиф-ровий қаҳрамон»нинг ўзига хос ўзаро муносабатини акс эттиришга олиб келди. Муаллиф билан қаҳрамон ўртасидаги масофа жуда қисқалиги кузатилади. Бу «биринчи шахс номидан» ҳикоя қилиш шаклида намоён бўлади. Шундай бўлса да, ҳикоянинг бошланиши биринчи шахснинг кўплик шаклида ёзилган. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий аҳволга қарам, давлат сиёсати асири («ижтимоий детерминик қаҳрамон») бўлган замонавий аскар образини яратишда умумлаштирувчи функцияни бажаради. «Мен» ва «биз» баъзан бир, умумий товушга бирикиб кетса, баъзан уруш ҳаётидан қисқа ва узук-юлуқ воқеаларни ҳикоя қилувчи бир қанча товушларга бўлиниб кетади. Ровий ҳикоячи-муҳбир ва шу билан бир вақтнинг ўзида воқеа-ҳодисанинг ғайриихтиёрий субъекти сифатида уруш мавзусида фикр юритади. Бу усул уруш ҳодисаларининг кўплаб тасвири, воқеа, муаммо ва турли жиҳатларни умумий яхлит шаклга келтириш, шунингдек, тасвирланаётган ҳодисанинг максимал даражада ишончлилиқ даражасини ошириш имконини беради. Ҳозирги замон феълидан фойдаланиш эса ўқувчини воқеага кириб бориши, бевосита унинг иштирокчисига айланишига имкон яратади. Баъзан ўзига хос «муаллиф-қаҳрамон» схемаси шаклига ўтган «муаллиф-ровий-қаҳрамон» корреляцияси содир бўлади¹.

¹ А.Карасевнинг «Чечен ҳикоялари», З.Прилепиннинг «Сержант», «Қон томир», «Олти сигарета» ҳикояларига хос.

Агар маҳаллий ички урушлар ҳақидаги ҳикоялар инсоннинг «жароҳат тажрибаси»ни шахсан татиб кўрган ва унга «маънавий» жазо олганлик пафоси билан суғорилган бўлса, Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги ҳаёт ҳақидаги замонавий ҳикоялар «замона охири» каби тасаввур уйғотади¹. В.Маканин «Кўчманчи ғоз»да аукториал ровий нуқтаи назаридан ҳамда муаллифга максимал даражада яқин бўлган образ – Виталия Гордеевна қарашларидан фойдаланган бўлса, М.Али «Нон» ҳикоясида ровийлик позициясини яратишда «икки ролли» ёндашишни қўллайди.

Муаллиф позициясининг ҳар хил ҳолатида ҳикояларни «муаллиф-ровий қаҳрамон» муносабати нуқтаи назаридан қараш бу учлик тузилиши типологиясини аниқлаш имконини беради: Л.Костюков XX асрдаги Россия тақдирини баён қилишда кўплаб «қиёфа»га эга ровий шахсини қўллайди; Д.Галковский ва Г.Давидовлар эса «воқеалар»ни бир-бирига боғловчи сифатида «мулоҳаза ҳақида мулоҳаза» усулидан фойдаланади; А.Иличевский ва Н.Эшонкул «сюжетдан ташқари» бўлган ровийни асар иштирокчиси даражасига кўтаради; Ў.Ҳошимов «ташқаридан кузатувчи» ролини танлайди; О.Ёкубов,

Ш.Холмирзаев учун эса бир умумий марказга эгалик қилиш тенденцияси, «мен»дан фойдаланиш ёки баён қилиш модели, «ҳикоядаги ҳикоя» усулини қўллаш, шунингдек, воқеаларни ҳозирги замонда тасвирлаш, ровий вазифаларини ўзгартириш хос.

О.Ёқубовнинг «Музқаймоқ»²ҳикояси ўтган асрнинг энг даҳшатли даври – Сталин катағонига бағишланган. «Муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлиги шакли автобиографик характерга эга. Бунда муаллиф образини яратишдаги етакчи усул сифатида «ҳар ерда ҳозир» ва «шоҳид»га ўзгартириш, алмаштириш таъйини хизмат қилган. «Ҳар ерда ҳозир» ровий бўлаётган ҳодисаларга объектив баҳо беради, «шоҳид» эса субъектив идрок қилишни ифода этади. Ҳикоя қилишнинг биринчи шахсга оид шакли сюжетли ровий ва муаллифнинг фикр юритиш интенцияларини сюжет ривожининг яширин механизмига айлантириш орқали муаллиф образини тизиш имконини яратади. Ровий ҳикояда медитация ва ўзи билан ўзи олиб борган диалогларда ўзлигини очиб берадиган «автобиографик» қаҳрамон вазифасини бажаради. О.Ёқубов ўзининг ёшлиги ҳақидаги ҳикояни отаси, онаси, «халқ душмани» болаларига бўлган ноҳақ мунсабатлардан иборат парчалардан тузади. Ҳикоя сюжетнинг жўшқинлиги ҳисобига эмас, муаллиф таъкидларининг кулгили ҳолатга ўтиши, баъзан очик қош қилишгача ўзгариб бориши орқали ривожланади.

Шундай қилиб, таъкидлаш жоизки, тарихни қайта тафаккур қилиш, XX асрда халқ тақдири, «ватан» ва «маҳаллий» урушларга бағишланган ҳикояларда «муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлигини яратишда типологик қонуниятлар ажралиб туради. Шунингдек, ушбу учликни тизишнинг уч тури кузатилади: объектив, объектив-субъектив, субъективлашган.

¹В.Астафьевнинг «Кўчманчи ғоз», Л.Костюковнинг «Верховский ва ўғил», Д.Галковскийнинг «Мавлуд ҳикояси №2», А.Иличевскийнинг «Чумчук», Г.Давидовнинг «Қора чигирткалардан қандай халос бўлиш мумкин», А.Кудашевнинг «Қизил ҳокимият», М.Алининг «Нон» ҳикоялари.

²Река души моей. Сб. современных узбекских рассказов (составитель и переводчик С.Камилова). – Т.: Адиб, 2013. С. 13-32.

Иккинчи бобнинг «Қишлоқ турмуш тарзидаги бўҳрон драматизми ҳикоя кўзгусида ва муаллиф, ровий ҳамда қаҳрамон ҳолати» деб номланган учинчи фаслда муаллифлик мавқеининг аниқлиги билан ажралиб турадиган қишлоқ ҳақидаги кичик насрий асарлар таҳлилга тортилган¹. Бу каби ҳикояларда «муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлигининг марказида турган муаллиф образи муҳим рол ўйнайди. Муаллиф ўзининг мушоҳадалари сабабли ёки улкан маънавий тажрибага эга шахс ёки турмушнинг анъанавий қадриятларига жавоб изловчи ва таҳлил қилувчи, ўз руҳий ҳолати ҳақида ўйлайдиган шахс сифатида гавдаланади.

В.Распутиннинг «Аёллар суҳбати» билан замонавий ўзбек ёзувчиси Б.Нуриддиновнинг «Ота ва ўғил» ҳикоясининг таҳлили жараёнида икки асардаги типологик ўхшашликни кўриш мумкин. «Ота ва ўғил» ҳикояси В.Распутиннинг асари каби «муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлиги призмасида тўғридан-тўғри муаллифнинг умумлашган баҳосини ифода этади. Бу ўринда

муаллиф қарашларини ифодаловчиси бўлган Распутиннинг Натальяси билан Нуриддиновнинг Отаси ўртасидаги параллеллик очик кўринади. Ровий Ота билан Ўғилнинг суҳбатига диққатни жалб этиш орқали фон ролини ҳам ўйнайди. Бош қаҳрамонлар сифатида персонажларнинг турлича танлангани (В.Распутинда – аёллар, Б.Нуриддиновда – эркеклар) нафқат миллий адабиёт анъаналари, балки муаллифлар дунёқарашларидаги фарқлилик билан ҳам белгиланади. Маълумки, В.Распутин учун халқ донишмандлиги ахлоқини гавдалантирувчилар қари аёллардир. Распутин кампирларининг феноменини англаш учун юқоридаги фикр калит вазифасини ўтайди. Б.Нуриддинов Шарк анъаналарига таянган ҳолда Отада маърифатли донишманд, ақл соҳиби, ҳаётнинг барча қийинчиликларидан инсонни олиб ўтувчи муаллим сифатида кўради. Наталья бувининг Набирага «негизларни» бериши, Отанинг Набирага мардлик, куч, масъулият ва олийжаноблик рамзи сифатида «анор новдасидан ясалган от»ни ҳадя этиши тасодифий эмас. В.Распутиннинг Натальяси аёл борлигининг асоси ва унинг Ердаги вазифасини тушунтираётган бўлса, Б.Нуриддинов Отасининг насиҳати миллий анъаналарни авлоддан авлодга ўтишини англатади.

Қишлоқ мавзуси яшашнинг умумий макони, барча инсонлар учун азиз бўлган ва уларни «ягона қардошлик»да (Н.Федоров)²бирлаштирувчи ғояни ривожлантирган ҳолда Уй-хонадон аҳли мавзуси билан чатишиб кетади. Бундай асарлар сирасига В.Распутиннинг «Изба», «Ўша ернинг ичига», Б.Екимовнинг «Охириги хата», «Қабристонда», Ў.Ҳошимовнинг «Қишлоқ аёлининг бир куни», Э.Аъзамовнинг «Рамазон олмалари», С.Сиёевнинг «Хотиралар» ҳикояларини киритиш мумкин.

Рус адабиётидаги «йўқолиб бораётган ахлоқийлик» муаммоси муаллифлар тасаввурида ўлиб бораётган қишлоқ ғояси билан мос келади. Қишлоқ эса ахлоқий инсоннинг макони, манзили бўлиши мумкин бўлган

¹Рус адабиётидаги В.Распутин, Б.Екимов, Н.Ключарева, О.Славникова ва бошқаларнинг ҳикоялари; ўзбек адабиётида Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, Қ.Кенжа, Н.Қобул, Э.Аъзамов, Ҳ.Султон ҳикоялари. ²Бундай асарларга В.Распутиннинг «Изба», «Ўша ернинг ичига», Б.Екимовнинг «Охириги хата», «Қабристонда» ҳикояларини мисол қилиш мумкин.

биргина умумий бир «Уй»дир. Ҳикоялардаги муаллифлар қарашлари, айрим ҳолларни ҳисобга олмаганда (В.Распутиннинг «Изба»ида бўшаб қолган уйда қайта тирилишга умид берувчи «қандайдир метафизик рух» яшайди), умидсизлик билан йўғирилган.

Фикримизча, қишлоқ насри ривожда Б.Екимовнинг «Фетисич»¹ҳикояси муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф “қишлоқ” насрига оид анъанавий «муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлигини сақлаган ҳолда уларга нисбатан урғуни янгича талқин қилади. Бу янги қаҳрамон танловида намоён бўлади. Бу вақтга қадар “ижобий” қаҳрамон сифатида ўз ери учун масъулият ҳиссини сезадиган, аждодлар анъаналарини давом эттирувчи, табиат билан уйғунликда яшовчи ва турмушнинг доимий ҳаракатда бўлишини кўрсатиб берувчи ёши катта инсон бўлган бўлса, юқоридаги асарнинг қаҳрамони сифатида 9 ёшли Яков

гавдаланади. Бола учун эса виждонлилик, ишонч ва ўз манфаатларидан воз кечган ҳолда бошқаларга ғамхўрлик қилиш – бу инсон қалбга хос одатий ҳолатдир.

Замонавий ўзбек носирлари ҳам патриархал-аграр турмуш тарзи мавзусини ишламоқдалар. Лекин рус «қишлоқ насри»дан фарқли равишда ўзбек адабиёти ҳозирча «қишлоққа хос бўлган» ахлоқийлик моделини тақдим қилганича йўқ. Шу маънода Х.Дўстмуҳаммаднинг «Қичқирик», А.Йўлдошевнинг «Алвидо, гўзаллик», С.Ўнарнинг «Ака-укалар», «Тегирмончининг ўғли» ва С.Вафонинг «Ёвузлик куйи» ҳикоялари алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу асарларда рус ҳикояларидан фарқли тарзда бўшаб қолган ва яроқсиз ҳолга келган қишлоқ ҳаётининг тасвири йўқ. Шундай бўлса-да, ўзбек носирларини рус муаллифлари билан бирлаштириб турган ҳолат – бу қишлоқлик замонавий инсон онгида содир бўлган ўзгаришларни тасвирлашга, қаҳрамонларнинг ахлоқий жиҳатларини алоҳида олган ҳолда унинг истиқболдаги ривожини кўрсатишга бўлган ҳаракатдир. Агар қишлоқ ҳақидаги замонавий рус ҳикояларида «муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлиги турли даражадаги объективлик шаклидан экзистенционал далилланган адабий мантиққа оғиб бораётган субъективлик сари ҳаракати билан характерланса, қишлоқ ҳаётига оид ўзбек ҳикоялари, одатда, баҳолаш, эмоционал, ахлоқий этик пландаги категориялар билан боғлиқ объектив-субъектив шаклда ёзилган.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Қичқирик»² ҳикоясида «муаллиф-ровий қаҳрамон» учлиги, асосан, табиат манзарасидаги инсонга бўлган муаллиф қараши билан белгиланади. Вақтнинг кенг тушунчаси нафақат инсон тақдирининг тизимли баёни ёрдамида, балки Инсон ва Табиатнинг ўзига хос қайта бирлашуви орқали яратилади.

А.Йўлдошевнинг «Алвидо, гўзаллик»³ ҳикоясида қишлоқ аҳолисининг ахлоқий жиҳати ўзгача талқин этилган. Мазкур ҳикояда «муаллиф-ровий қаҳрамон» учлиги ровийлик полифонияси ва муқояса қилиш йўли билан тасвирни кучайтириш усулига қурилган. Гўзаллик ва нафосат одатдаги разил ва

¹Б.Екимов «Фетисыч». Рассказ // Новый мир. 1996, №2.

²Река души моей. Сб. современных узбекских рассказов (составитель и переводчик С. Камилова). - Т.: Адиб, 2013. С. 102-115.

³Ўша ерда. – С. 167-174.

қабих дунёга, романтиклик – ерга қапишиб кетган ҳаётга, мулойимлик ва нозиклик – кўполлик ва беандишаликка қарши қўйилган. Ҳикоя қилишнинг полифонияси қиёфасиз муаллиф-ровийнинг ва тамоман муайян қаҳрамон ҳикоячининг мавжудлиги билан эришилади. Қиёфасиз ровий аёл тақдири мавзусидаги мушоҳадаларда эркакларнинг қиёфасизланиб бораётгани ҳақидаги «оломон фикри»нинг кўрқинчли роли тўғрисидаги мулоҳазаларда ўзини намоён қилади. А.Йўлдошев замонавий қишлоқ аҳлидаги ахлоқий таназзулни ҳис туйғудан ақл, мулоҳазани устун қўйган ҳолда вазминлик билан таъкидласа, Собир Ўнар маънавий жиҳатни очиб беришда енгил ва қувноқ юмрдан фойдаланади. Унинг «Ака-ука», «Тегирмончининг ўғли» ҳикояларидаги

қаҳрамонлари – ҳаётга содда қараш билан яшайдиган оддий кишлоқ одамлари. Лекин муаллиф кишлоқ аҳолиси устидан эмас, уларнинг бутун ҳаётларини турмушдаги тартибсизликлар билан курашга мажбур қилувчи тор фикрлашларидан кулади. «Ака-ука» ҳикоясида ҳикоячиликнинг монолог шакли кутилмаган можаронинг кулгули қурбонига айланган ҳикоя қилувчини тавсифловчи восита сифатида кўринади. «Тегирмончининг ўғли» ҳикоясида эса муаллиф ҳикоя қилишга атайин аралашмайди ва қаҳрамон-ҳикоячи воқеа ҳодисаларни ўзининг тор фикрли онгининг қийшиқ призмасидан ўтказган шаклда сўзлайди. Бу билан кадриятларнинг бутунлай ўзгартирилган эффекти яратилади. Бош қаҳрамон Мардибойнинг ахлоқи ва ўз йўлидан қайтмаслиги тинч ҳаётга ҳалал берувчи эскилик сарқити сифатида қабул қилинади.

Хулоса қиладиган бўлсак, кишлоқ ҳаёти ҳақидаги рус ва ўзбек ҳикоясида «муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлигида муаллифнинг очиқ мавқеига урғу берилган. Шу билан бир қаторда, ҳикоя қилишнинг объектив шаклидан объектив-субъективликка мойиллик кузатилади.

«Ҳозирги рус ва ўзбек ҳикоясида муаллиф «мен»и тасвиридаги типологик ўхшашлик/фарқлилик»деб номланган учинчи боб уч фаслни ўз ичига олади. Бу бобда «муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлиги тамоман бошқача талқин қилинган ҳикоялар қатлами таҳлил қилинган. Ҳикоя бошланишининг уч таркибий қисми бир нуқтада кесишади ва муаллиф бир вақтнинг ўзида ҳам ҳикоя қилувчи ва бадиий асарнинг иштирок этувчи персонажи сифатида гавдаланади. Бунда ровийнинг муаллиф билан ёки қисман ёки тўлиқ тарзда мос келиши кузатилади. Бундай ҳикояларда ҳикоя қилиш тасвир объектига боғлиқ бўлмаган ҳолда биринчи шахс тарафидан амалга оширилади ва субъектив характер аҳамиятига эга бўлади. Биз уларни муаммо-мавзуий таснифидан келиб чиқмасдан тақдим этилган муаллифлик типининг у ёки бу хусусиятига мувофиқ кўриб чиқиш мантиғига тўғри келади, деган қарорга келдик. Бу қарорга мувофиқ, биз тарафимиздан замонавий рус ва ўзбек ҳикояларида автор «мен»ининг интроверт, ювенал-ретроспектив ва лирик турда тақдим этилган типлари таснифи ишлаб чиқилди.

Учинчи фаслнинг «Ҳозирги ҳикояларда муаллиф «мен»ининг интроверт тури» деб номланган биринчи фаслида кичик насрнинг муайян қатламидаги муаллиф дунёқарашининг интроверт турининг асосий белгиси, М.Ремизова таъкидлаганидек, «интроверт турғунлик, руҳий сиқилиш (депрессия)» ва

«ундаги энг асосий нарсa – психологик автопортретнинг яратилиши»дир¹. Фаол ҳаракат ва ишга қодир шахс сифатидаги типик қаҳрамон ўрнини одамови, ўзининг шахсий кечинмалари ва «кичик фожиалари»га ўралашиб қолган, фақат ўзини тушунишга ҳаракат қиладиган, ўз туйғу ва кечинмаларига кулоқ соладиган муаллиф-шахс эгаллайди. Унинг ўзи ҳақидаги монологи – бадиий асар яратишнинг энг асосий усулидир. «Паришонхотир характер», шахсиятсизлик, шахсизлаштириш, лоқайдлик, ёлғизлик, саргардонлик, сустлик – муаллиф «мен»ининг интроверт турини таснифлаб берувчи

белгилардир. Бундай бадий асарларда сюжет, одатда, суст, кучсиз сюжет чизигига эга, муайян кульминацион нукталардан махрум бўлади².

Фаслда рус ва ўзбек ҳикояларидаги муаллиф интроверт «мен»ини амалга оширишдаги типологик ўхшашлик/фарқлилик келтириб ўтилган. И.Клехнинг «Полесье кўппаклари» ҳикоясига мавзу жиҳатдан яқин бўлган ўзбек носии У.Ҳамдамнинг «Кўнглимдаги дарё» ҳикоясида дарё абадийлик, мангу ҳаёт рамзи сифатида гавдаланади, бош қаҳрамоннинг олдиндан белгиланган тақдирини бузиб ташлайди. Муаллифнинг «мен»и персонаж номидан ҳикоя қилувчининг ҳис-туйғулари ва мушоҳадалари тизими орқали осонгина англашилади. Клехнинг «Озод қилинган қул»идан фарқли тарзда Ҳамдамнинг қаҳрамони воқеликка мослашишга ҳаракат қилади. Муаллиф ишлар рўйхати, машина ва «тўғри» одамнинг бир қатор мажбуриятлари каби зарурий тарздаги атрибутларга эга, гарчи дарёга нисбатан қандайдир ҳақиқий, чинакам нарсага бўлган кучли оғриқли севги соҳиби бўлган доим банд замондошига хос дунёқараши орқали ўзининг alter ego эмоционал ҳолатини беради.

С.Вафо «Бутан тоғи» ҳикоясида Ю.Горюхиннинг «Август Мебиуснинг канцелярия елими» ҳикоясидаги каби ёлғизлик моҳиятини очиб беришга, ички ва ташқи дунёнинг узилган алоқаларини тиклашга ҳаракат қилади. Ҳикоя қаҳрамони бўлган аёл муаллифнинг alter ego си (муқобил мени) сифатида бу дунёга ўзининг бегоналигини сезади. Асарни жуда кўп тафсилотлар, майда деталлар билан тўлдириб юборган Ю.Горюхиндан фарқли равишда С.Вафо яримишора, тагматн ва шарқона метафорани қўллаган ҳолда луғавий материални жуда кам ишлатади. Мазкур ҳикоялардаги бош қаҳрамонларни ўзлари учун бегона бўлган дунёда ўзликни йўқотиш бирлаштириб туради. Горюхин қаҳрамони севабилмаслик ва уни қандай изҳор қилишни билмасликдан азоб чекса, С.Вафо қаҳрамони учун эса севги – бу оғриқ ва қийноқ, у ўзининг бегоналиги сабаб рад этилган. Ҳикояларда рамзий образларнинг иккиланиши ҳам бир-бирига ўхшаш (Ю.Горюхинда доира – ҳам «ҳаёт доираси», ҳам ўзлигида ўралашиб қолиш; Бутан тоғи – ҳам онг, шуур, ички кураш рамзи (тоғ ўт ва ернинг бирлашуви), ҳам қаҳрамоннинг бегоналиги рамзи (Бутан тоғи бирдан қишлоқ четида пайдо бўлади ва қаҳрамон ўзини

¹Ремизова М. Только текст. Постсоветская проза и ее отражение в литературной критике. - М., 2007. - С.17.

²Муаллиф «мен»ининг биринчи тури рус адаблари И.Клехнинг «Полесье кўппаклари», Ю.Горюхиннинг «Август Мебиуснинг канцелярия елими», Головановнинг «Бу хонадонлар», Б.Евсеевнинг «Овоза» ҳикояларида, шунингдек, ўзбек ёзувчилари У.Ҳамдамнинг «Кўнглимдаги дарё», Р.Раҳматнинг «Миямнинг ичида», С.Вафонинг «Бутан тоғи», Б.Нуриддиновнинг «У дунёлик сотиб олувчи» ҳикояларида кўпроқ акс этган.

айнан у билан тенглаштиради). Шундай қилиб, бу ҳикояларда ўз қобиғига, ўз кечинмаларига ўралиб қолган, соғиниш, қўмсаш ва ғамгинликни ҳис қилувчи психологик автопортретлар яратилган. Бу эса муаллиф «мен»ининг интроверт турини яратишдаги принциплардан биридир.

Бу фаслда муаллиф «мен»ининг интроверт турига эга таҳлил қилинган ҳикояларни маънавий ожизлик ва унга кўникиш даражасини фаҳмловчи инсоннинг субъектив мушоҳадаларга мойиллиги бирлаштириб туради.

Учиничи бобнинг «Ҳозирги ҳикояларда муаллиф «мен»ининг ювенал ретроспектив ифодаси» деб номланган иккинчи фаслида реал воқеликни қабул қилмаслик, ундан шахсий кечинмалар гирдобига чекиниш бир қатор муаллифларни болалик ёки «йўқотилган жаннат», ёки ёлғизлик биёбони, ёки доимий қўрқув макони сифатида қабул қилинадиган болалик хотираларига мурожаат қилишга мажбур бўлгани таъкидланади. Баъзан ўз руҳий ҳолати ҳақида фикр юритиш болалик ҳиссиётидан устун келади. Муаллиф «мен»ининг бу тури биз тарафимиздан ювенал-ретроспектив (лотинчада *juwenalis* – ёш, балоғатга етмаган) сифатида белгиланди.

Муаллифлар бугунги одамлардан ўзларини олиб қочиш эвазига бола ва ўспиринлик даврларини хотирлаш ва бу орқали шахсиятини шакллантирган манбаларни топишга, келажак умиди билан яшашга ёки ўзларини ўраб турган дунёни болаларча идрок қилиш орқали янгилашга, ёки ҳаётларидаги нотекисликларни четлаб ўтишга, ёки ўзлигини билмаслиги, тушунмаслиги сабабларини топишга ҳаракат қилмоқда. Болалик ёзувчиларнинг бугунги «мен»и учун ўлчов вазифасини ўтамоқда. Бундай ёзувчилар учун ўзи билан ўзи зўрама-зўраки суҳбат қилиш, ўзлигини топишга уриниш, ўқиниш ўзини ва ўз даврини англаш усули бўлиши мумкин¹.

Масалан, С.Солоухнинг «Метаморфозалар» ҳикоясида болалик – бу «йўқотилган жаннат»дир. Болалик дунёси алоҳида товушларга, бўёқларга, ҳиссиётларга майдалаб ташланган кўринишларида тасвирнинг мустақил предметига айланади. Мазкур ҳикояга нисбатан образли-ассоциатив ўхшашликни ўзбек ёзувчиси Муҳаммад Шарифнинг «Кулдиргич» ҳикоясида топиш мумкин. Икки асар муаллифлари дунёга бола кўзи билан қарайдилар. Аммо рус ҳикоясида бола дунёқараши ҳидлар, товушлар, бўёқлар орқали берилган бўлса, «Кулдиргич» ҳикоясида касаллик биров чекинган вақтлардаги ҳаётнинг кичик лаҳзалари призмаси орқали тасвирланган. М.Шариф С.Солоух каби бахтли онларнинг ассоциатив қаторини тузади: «ҳол – юздаги кулдиргичлар – ўйин – шамол» ва касалликнинг кучайиш даврига хос: «чумоли – чумоли шер – ожизлик – дард – кома». Ўзбек ҳикоясида, яна шуни таъкидлаш жоизки, баён тарзи муаллифнинг кўпўлчамли идрокига асосланган. Бу кўпўлчамлилиқ Бойбўта ва Кулдиргич ўртасидаги диалог воситасида амалга оширилади. Бунда муаллифнинг «мен»и ҳар бир боланинг мулоҳазасидан ҳосил бўлади.

¹С.Солоухнинг «Метаморфозалар», «Ёруғлик», О.Зайончковскийнинг «Дўстликдан кейинги севги», И.Полянскаянинг «Дазмолча ва музқаймоқ», И.Султоннинг «Балиқ», Е.Шкловскийнинг «Кўча» ҳикояларида.

Муаллиф «мен»ининг ювенал-ретроспектив турига хос бўлган ҳикоялар аниқ сюжет линиясига эга эмас, уларда муайян ечим йўқ. Фақат тавсиф ва кузатиш бор. Лекин бу кузатишлар лирик характерга эга эмас, балки ҳали бошдан кечирилмаган, етишиб бўлмайдиган нарсаларни қидиришдир. Кўз ўнгимизда оғриқли ўзгариш – болалик ҳолатидан катталиқка, ёқимсиз дунёга

ўтишни бошдан кечираётган муаллифнинг психологик ретропортрети. Бир қатор рус ва ўзбек ҳикояларида типологик ўхшашликларни кузатиш мумкин¹— анъанавий конфликт; шахвоний истакни енгиш; катта ёшдаги инсонга хос зарурий ва англолган танловдир.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида номи тилга олинган муаллифлар ҳикояларини ҳам мумтоз анъаналарни қайта англаш (болалик дунёси - ахлоқнинг ҳукмрон ғояси), ҳам шахснинг ички таназзулини белгиловчи замонавий даврнинг ноаниқчилигини ҳис этишга асосланган болаликка оид хотираларнинг ўзига хос талқин қилинганлиги бирлаштириб туради.

Учинчи бобнинг учинчи фаслида биз томонимиздан белгиланган «Ҳозирги рус ва ўзбек ҳикояларида муаллиф «мен»ининг лирик тури» таҳлил қилинган. Бу номланиш анъаналари замонавий ҳикояда у ёки бу даражада ўзгариб бораётган XX аср 60-80-йиллари «муаллифлик насри, кўпчилик танқидчиларнинг фикрича², лирик насрнинг бир тури ҳисобланиши билан белгиланади. Кичик насрнинг бир қатор замонавий асарларида муаллиф ровийнинг шахсий дунёқараши призмаси орқали ижтимоий ҳарактердаги муаммоларнинг умумлашган ички дунёсига эътибор қаратилган лирик шуури билан боғлиқ лирик негизнинг устунлиги кузатилади.

Бадиий асарнинг сюжет ташкил қилувчи маркази сифатида турли ҳиссиётлар, ўхшашмалар, хотиралар, кузатиш ва мушоҳадалардан тизилган кечинмалар оқими ўртага чиқади. Муаллиф «мен»ининг лирик турига эга замонавий ҳикояларнинг асосий хусусиятлари — бу ассоциатив мушоҳада, алогизм, эмоция ва кайфиятнинг бирдан алмашинуви, хронотопик кўпрежалиликдир³.

Муаллиф «мен»ига эга замонавий ҳикоялар учун субъектив эмоционал ачиниш ҳиссини уйғотишдан дунёни индивидуал-фалсафий англашнинг у ёки бу мавжудлик кўринишига ўтиши характерлидир. Д.Гуцко мавжудликнинг ҳақиқийлик лаҳзасини лирик-экзистенциал кечинма орқали қайд этган бўлса, И.Абузаров эса «санок боши»ни «сул мушоҳада қилиш»да, дзен каби фикр равшанлашувида кўради. Бундан ташқари, яна шуни таъкидлаш керакки, муаллиф «мен»ига эга замоанвий ҳикояларда дунёни лирик-фалсафий ўзлаштиришга бўлган интилишдан ташқари инсон руҳиятининг чуқур

¹З.Прилепин «Ғуноҳ» — Х.Султонов «Узоқ «Артек» хотиралари»; С.Василенко «Тиканли сим ортидаги шаҳар» — У. Рўзиев «Тонгда қайтган каптарлар», И.Полянская «Дазмолча ва музқаймоқ» — И.Султон «Балиқ» ва бошқ.

²Батафсил маълумот учун, қаранг: Н.Иванова Точка зрения. О прозе последних лет. — М.: Сов. писатель. — 1988.; Хализев В.Е. Теория литературы. — М.: Высш. шк., 2005; Теория литературных жанров / М.Н.Дарвин, Д.М. Магомедова, Н.Д. Тмарченко, В. И. Тюпа. — М.: Издательский центр «Академия», 2001. ³М.Тарковскийнинг «Музлатилган вақт», М.Вишневецкаянинг «Т. И. Н. (боғ тажрибаси)», Д.Гуцконинг «Кузги одам», Д.Бавильскийнинг «Соялар ўйинидан азоб чекувчи», И.Абузаровнинг «Почта», Ю.Горюхиннинг «Балоғат ёшига ўтиш», И.Султоннинг «Сувдаги коса», «Шамолли кеча», С.Вафонинг «Ёвузлик куйи», У.Ҳамдамнинг «Бир пиёла сув», «Тош ёки ёвузликнинг дунёга келиши», Н.Эшонкулнинг «Баҳовуддиннинг ити» ҳикоялари.

қатламларини тадқиқ этишга бўлган қизиқиш кузатилмоқда (В.Маканиннинг «Ноадекват», Ю.Горюхиннинг «Балоғатга ўтиш даври» ҳикоялари). Муаллиф «мен»ига эга замоанвий ўзбек ҳикояларида кичик рус насри билан бир қатор

умумий ва фарқлилик жиҳатларни кўриш мумкин. Икки адабиётдаги бундай бадий асарлар учун умумий қонуният сифатида субъектив қабул қилиш ва воқеликнинг тасвири деб ҳисоблаш мумкин. Рус ҳикоянавислари ҳам, ўзбек носирлари ҳам ўз асарларида бошидан кечирганларини акс эттирмақдалар, уларни замондошининг ички дунёси қизиқтиради, улар очиқликка ва нафақат ўзларининг юракдаги фикрлари, балки замонавий жамиятнинг ахлоқий меъёрлар ҳақидаги тасаввурларини очиқ ифода қилишга интиладилар. Шунини қайд этиш керакки, замонавий ўзбек ҳикояларида лирик асос устунлик даражсидаги ҳукмрон ғояга айланиб бормоқда. Муалиф «мен»ига эга замонавий ўзбек ҳикояларида ватанпарварлик энг асосий мавзулардан бирига айланиб бормоқда. Рус ёзувчилари бу мавзунини тарихий ўтмишга боғлаган ҳолда акс эттирадилар. Уларда ватанга муҳаббат воқеликнинг салбий томонларини аниқлаб кўрсатишда, улар ҳақидаги аччиқ фикрлари орқали намоён бўлади. Ўзбек ёзувчилари эса шарқий аъаналарни давом эттириш ва уларни бир қадар замонавийлаштириш орқали мавзунини очиқ берадилар. Ўзбек адиблари XX асрнинг 60-80-йиллари лирик ҳикояларга хос бўлган дидактика, насиҳатгўйлик ва ўз ватанини очиқ қуйлашдан воз кечган ҳолда ватанга бўлган шахсий ҳиссий муносабатлари таҳлилига, унга бўлган муносабатларни аниқлаштиришга, ватан улар учун нимани англатади ва улар ватан учун қандай аҳамиятга эгалигини тушунишга ҳаракат қилмақдалар. Шу маънода И.Султоннинг «Сувдаги коса», «Қўрқинч», «Шамолли кеча»¹ ҳикоялари қизиқарлидир. И.Султон учун инсон – бу борлиқнинг, коинотнинг ўзи бўлса, Н.Эшонкул учун эса инсон – оламнинг кичик бир бўлаги, холос. Коинот билан маънавий, энергетик ва ҳатто жисмоний даражадаги алоқани машаққат билан қидириб топиш «Баҳовуддиннинг ити»² ҳикояси асосида ётади. Тасаввуф фалсафаси ва оташпарастлик таълимотининг қайта тафаккур қилиш орқали муаллиф моддийликка бор эътиборини қаратган ва ердаги ўзининг ҳақиқий мақсади, тақдирини унутган замонавий инсоннинг ҳислари, фикрлари, кечинмаларини синчковлик билан акс эттиради.

«Ҳозирги рус ва ўзбек ҳикояларида бадий шакл ҳосил қилувчи тенденциялар» деб номланувчи тўртинчи бобда муаллифлик ҳолати таҳлили ва олдинги бобларда замонавий рус ва ўзбек ҳикояларида муаллиф тақдим қилаётган шуурнинг сифат жиҳатидан ўзгариб боришининг тадқиқи ҳикоя жанридаги ўзгаришлар мазмун даражсида бўлганлигини кўрсатди. Бадий адабиётнинг мазмуний жиҳатларида содир бўлган ўзгариш шаклнинг ўзгаришига (ёки аксинча) ҳам олиб келади³. XX аср охири – XXI аср бошлари – жанрга оид шакл ўзгаришларининг пайдо бўлиши, мумтоз жанрлар «коди»нинг

¹ Река души моей. Сб. современных узбекских рассказов (составитель и переводчик С.Камилова). – Т.: Адиб, 2011. – С. 244 - 268.

² Река души моей. Сб. современных узбекских рассказов. – С. 137-150.

³ Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения. Учебное пособие. – М.: Флинта, Наука, 2002. – С. 27.

учлигининг ўзгариши ва муаллиф «мен»и даражаларининг хилма-хиллиги ҳикоянинг ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан фаол ўзгаришини белгилаб берди. Шакл ҳосил қилувчи бадиий компонентлар мазкур бобнинг таҳлил объекти бўлди.

Тўртинчи бобнинг «XX аср охири – XXI аср бошлари ҳикояларида жанрлар трансформацияси» деб номланган биринчи фаслда ҳикоянинг жанрга оид ўзгаришлари таҳлилга тортилган. Ҳикоя «ўтиш даврининг муҳим шакли» (Н.Лейдерман) сифатида ўзининг ўзгарувчанлиги ва ҳаракатчанлиги боис чегаравий жанрга хос ўзгаришларга имкон берган ҳолда шакл даражасидаги ўзгаришларга кўпроқ мойил. Жанрнинг ҳаракати, асосан, икки йўналишда амалга оширилади: чегараларни кенгайтириш, бошқа жанрлар билан аралашув йўли, ёки семантик майдоннинг торайиши, соддалашуви – бу минималлаштириш йўлидир. Ҳикоядаги ўзгариш жараёни жанрнинг сюжет, материални қамраб олиш усули, ифода услуби ва яқунлашнинг композицион тамойили каби структурал бирликлар даражасида амалга ошади. Бу замонавий ёзувчилар ҳикоянинг чекланган матн майдонида турмушнинг майдалашган, мозаик ва маълум нуқтага қаратилган жабҳаларида тасвирлаш орқали бир неча сюжет линиялари ўрнини тўлдирадиган ўзига хос «сиқиш» техникасида кўринади. Бир қатор асарлар таҳлили жараёнида роман, ҳикоят, антиутопия, мениппеи, фелъетон, очерк, Поэзонаср терминининг пайдо бўлишига асос бўлган поэтик асарлар, шунингдек, драматик дискурс усуллари белгиларининг бузилиши каби хусусиятлар аниқланди.

«Ҳозирги рус ва ўзбек ҳикояларида шакл ҳосил қилувчи деталнинг роли» деб номланган иккинчи фаслда тасвир воситаларининг таҳлили жараёнида турли муаммо-мавзуй соҳага эга ҳикояларда «муаллиф-ровий-қахрамон» учлиги ракурсида таҳлил қилинган бадиий детал замонавий инсоннинг экзистенционал бўҳронини очиб бериши ва муаллиф мушоҳадасининг асосий бўғинларидан бирига айланиши аниқланган. Детал-рамзлар, эмоционал рангдор, тавсифловчи, натуралистик, ҳиссий деталлар муаллифга матндаги зарур маънони очиб беришга, воқеликни моҳиятини очиш ва уни баҳолашга ёрдам беради.

«Ҳозирги ҳикояда муаллиф «мен»и призмасида бадиий детал» деб номланган учинчи фаслда баён тарзининг субъективлашган шаклига эга замонавий ҳикояларда муаллифлар «ўзи билан ўзи ўртасидаги диалог»ни ифодалашда муаллиф «мен»ининг (интроверт тур – дистим туридаги психологик деталлар, ювенал-ретроспектив тур – эмотив тавсифга эга психологик деталлар, лирик тур – эмоционал-бўёқдор, ҳаяжонни ифодаловчи деталлар) муайян турини очиб берувчи психологик деталларга, шунингдек, ассоциатив, кузатувчан, метафорик хусусиятга эга психологик деталларга ҳамда психологик функцияга эга пейзаж деталларига мурожаат қилишлари кўрсатиб берилган. Замонавий рус ва ўзбек ҳикоясида шакл ҳосил қилувчи детал ролининг муаллиф «мен»и призмасидаги таҳлили замонавий ҳикоя ривожига жараёнида борлиқнинг энг муҳим, кульминацион, таърифлашга муҳтож

лаҳзаларини қайд этиш шакллари типологияси ўзаро боғланганлигини кўрсатиш имконини берди.

ХУЛОСА

1. Россия ва Ўзбекистонда ҳикоя жанрининг ривожланиш контексти XX аср охири – XXI бошлари адабий жараёнида содир бўлган ҳодисаларга боғлиқ бўлиб, унда бадиий экспериментлар, апробациялар, бадиий-адабий тизимнинг барча бўғинларида эстетик йўналишнинг ўзгариши кабилар учун ижодий майдон шаклида кўринади. Фикрлар, усуллар, шакллар плюрализми фонида реал воқелик тафаккури жараёни турли адабий амалиётлар, баъзан бир-бирига зид усул, техника ва манипуляцияларнинг қоришмаси орқали амалга оширилиши охир-оқибатда замонавий ҳикоя характерини аниқлаб берди.

2. Бугунги кунда рус ва ўзбек адабиёти ўзларининг айрим умумий кўрсаткичларида бир-бирига мувофиқ келади ва тараққиётнинг биз схематик тарзда белгиланган «парокандалик – иқлим – майдон» сифатидаги умумий босқичларидан ўтиб бормоқда. Шу билан бирга, ўзбек ва рус адабиётининг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлиб, хусусан, XX аср охири – XXI аср бошлари ўзбек адабиёти тараққиётида концептуал аҳамиятга эга бўлган уч даврни ажратиш кўрсатиш мумкин: ўтиш (1985 – 1990), қайта йўналиш – таҳлилий (1991 – 2000), вернанди (ўтмиш, келажак ва ҳозирги замон синтези) даври (2001 йилдан ҳозирга қадар).

3. Адабий тажрибаларнинг бир марталик ва турли йўналишда мавжудлиги бадиий тизим ва тағтизимлар таркибий қисмларининг, энг асосийси жанрнинг жуда мураккаб, баъзан ўзаро алоқа ва ўзаро таъсирининг қарама-қаршилигига олиб келди ва бу жараёнда ҳикояга алоҳида рол ажратилди.

4. Замонавий ҳикоянинг долзарблиги унинг замон руҳи билан ҳамоҳанглиги, инсон ва давр моҳиятини аниқловчи энг асосий қарама қаршилиқни кўриш компетенцияси билан белгиланади. Ҳикоя жанри замонавий алғов-далғов, баъзан абсурд дунёда муаллиф ҳақиқийлик лаҳзаси деб ҳисоблаган воқеа-ҳодисани қайд этиш қобилиятига эга. Мухтасарлик, кичик шакл, (баъзан) турмушнинг микропарчасига бор эътиборни қаратиши ана шу ҳақиқийлик нуқтасига чиқиш имконини беради.

5. Замонавий адабиётнинг муаммо-мавзуий майдонини, XX аср 60-80-йиллари насри эстетик йўналишлари экстраполяцияси вариантларини ўзида акс эттирувчи асарларнинг «муаллиф-ровий-қаҳрамон» учлиги призмасидаги таҳлили ҳикоянинг объективлик ёзув усулидан синтетик қоришқлик (объектив-субъектив) томон ва ундан ҳикоя қилишнинг субъектив моделига қараб ҳаракатланиши кузатилади. Ҳикоячиликнинг субъектив моделида биз интровертир, ювенал-ретроспектив ва лирик деб белгилайдиган муаллифнинг «мен»ининг уч турини ажратиш кўрсатиш мумкин. Биринчи навбатда, муаллиф

ҳикоя қилиш предмети ва воситаларини олдингига қараганда кўпроқ даражада танлаш имконига эга бўлади. Бўхрон, танглик одатий ҳол сифатида қабул қилинадиган вақтда замонавий воқеликни ўзлаштиришда замонавий ҳикоя кўп

30

ҳолларда адабиётнинг экзистенциал далилланган мантиғига мойил бўлади. Бугунги кунда ҳикоя – кўпинча, муаллиф ёки қандайдир бошқа «мен»нинг оғзаки изи бўлиши мумкин.

6. Ровийликни ташкил этишга доир изланишлар турлича бўлган вақтларда шундай тажрибалар юзага чиқадики, уларда шакл мазмундан ажралиб қолади ёки аксинча, яъни анъана нуқтаи назаридан улар муаммовий жиҳатдан бир-бирига қиёсан қўйилган бўлади. Натижада ҳикоя мазмуни ҳажмидаги роман яратиш ва қисса ёки роман ҳажмидаги ҳикоя ёзиш мумкин бўлиб қолади. Насрий асар назмга айланади ва поэзопроза феномени вужудга келади. Замонавий адабиётда «нон финито» амалиёти кенг тарқалган бўлиб, бунда ҳикоя, кундалик ёзув, ижтимоий тармоқдаги фикр чегараси ювилиб, йўқолиб кетади.

7. Ҳикояда инсон тасвири усуллари кенгайиши кузатилади. Замонавий адабий амалиёт таҳлили «шахснинг янгича концепцияси» ўзига хос ракурсда очиб берилади, деб айтишга имкон беради. Ҳозирги вақтда субъектнинг ва умуман, субъективлик бир хиллигининг йўқолиши/бўхрони кузатилмоқда. Қаҳрамон муаммоси оригинал тарзда ҳал қилинмоқда: асосий вазифа унинг ўз ўзини идентификация қилиш бўлиб қолмоқда.

8. Ўзига хос дунёқарашга эга муаллиф категорияси ҳикоянинг жанрга хос тусини ўзгартириб юборди. Ҳикоя – чатишиш ва минималлашиш – ўзгариш жараёнлари ҳисобига ўзида эпик-хужжатли, фольклор, лирик, драматик, публицистик дискурс белгиларини жамлаган. Замонавий ҳикоя композиция билан ҳам, сюжет билан ҳам тажриба ўтказа олади. Композиция мураккаблашиб шаклий-қўпқатламли хусусиятга эга бўлади. Сюжет ҳам жўшқин бўлиб қолиш қаторида мураккаблашади ва контаминация ҳамда сюжет тафсилотлари эвазига қисмларга ажралган тузилишга эга бўлади.

9. Ҳикоя шакл-мазмун қолипнинг етакчи белгиси бўлиб детал қолаверади. Унинг вазифалари нафақат XX аср охири – XXI аср бошлари воқелиги, замонавий жамиятнинг тараққиёт йўлларини тасвирлашда, балки муаллиф мушоҳадасининг асосий бўғинларидан бирига айланиб, замонавий инсоннинг экзистенционал таназзулини қайд этиш билан ҳам кенгайиб боради.

10. Детал-рамзлар, эмоционал бўёқдор деталлар, характерга хос, натуралистик руҳдаги, ҳиссий ва руҳий деталлар гипермаъновийлик хусусиятини касб этади. Бу орқали муаллиф фикри ёки алоҳида «капсула» хусусият, ёки суст-нуқсонли, баъзан эса руҳий майиблик йўналиш олади, матнда муаллифга зарур бўлган маънони очиб беради, воқеликни концептуаллаштиради ва унга баҳо беради. Руҳий тафсилот муайян бир турдаги муаллиф «мен»ига эга ҳикояларда кўп қўлланилади. Бу эса муаллиф дунёқарашидаги ўзгариш динамикасини кўрсатиб беради: фикр, кечинма ва эмоционал ҳолатдан имплицит, кузатувчан, ассоциатив дискурсга ўтиш содир

бўлади.

11. Юқорида қайд этилган хусусиятлар замонавий ҳикоя қурилишига у ёки бу даражада таъсир ўтказди ва замонавий ҳикоя поэтикаси таҳлил алгоритми фақат борлиқнинг ҳақиқий белгиси сифатида қабул қилинган муҳим, кульминацион аҳамиятга эга лаҳзаларни қайд этишда қонуниятга айланган

31

белги ва шакллар типологиясини (воситалар, усуллар, даражалар) ҳисобга олган тақдирдагина қурилиши мумкин.

**ДОКТОРА НАУК №14.07.2016. FIL.09.01. ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ,
УЗБЕКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ
ЯЗЫКОВ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

КАМИЛОВА САОДАТ ЭРГАШЕВНА

**РАЗВИТИЕ ПОЭТИКИ ЖАНРА РАССКАЗА В РУССКОЙ И
УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ КОНЦА XX - НАЧАЛА XXI ВЕКА**

**10.00.06 - Сравнительное литературоведение, сопоставительное
языкознание, переводоведение
(филологические науки)**

АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ

Ташкент - 2016 год

Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за 31.03.2016/В2016. Fil 92

Докторская диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский) размещен на веб-странице Научного совета (www.tashgiv.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz)

Официальные оппоненты: Пардаева Зулфия Жураевна

доктор филологических наук

Ермолин Евгений Анатольевич

доктор педагогических наук, профессор

(ЯГПУ, Россия)

Каримов Баходир Нурметович

доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: Ферганский государственный университет

Защита состоится «___» _____ 20__ года в ____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук 14.07.2016.Fil.09.01 при Ташкентском государственном институте востоковедения, Узбекском государственном университете мировых языков, Национальном университете Узбекистана по адресу: 100047, г. Ташкент, Мирабадский район, улица Шахризабс, 16. Тел: (+998971) 233-45-21; факс (+99871) 233-52-24; e-mail: shark_ilmiy@mail.ru.

С докторской диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного института востоковедения (зарегистрирована за №___) Адрес:100047, г. Ташкент, Мирабадский район, улица Шахризабс, 16. Тел: (+99871)233-45-21.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 20__ года
(протокол рассылки за № _____ от «___» _____ 20__ года)

А.М.Маннонов

председатель Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, д.филол. н., профессор

К.Ш.Омонов

ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, д.филол.н.

Г.Х. Бакиева

председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученой степени доктора
наук, д.филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы исследования. Выявление общих закономерностей мирового литературного процесса и национальной специфики конкретных литератур на современном этапе в условиях их взаимодействия на уровне развития поэтики жанра является одной из фундаментальных задач мировой компаративистики. Необходимость научного анализа эволюции современного рассказа в узбекской и русской литературах как жанра, отражающего общие закономерности развития литературы и состояние культуры, обусловлена стремлением постижения логики движения мировой литературы.

«Основная задача заключается не только в обучении молодого поколения знаниям, но и, прежде всего, в воспитании юношей и девушек гармонично развитыми личностями, умеющими трезво оценивать происходящие в мире события и явления, живущими с чувством преданности родной земле, своей стране, достойными такого высокого звания, как гражданин независимого Узбекистана»¹. Поэтому объективный анализ развития современных литератур Узбекистана и других народов, составляющих мировую литературу и культуру, а также вопрос специфики жанровой парадигмы литературного процесса конца XX – начала XXI веков обуславливает приоритетность обращения к данной теме, учитывая ее значимость в процессе формирования национального самосознания.

Современная литература и в Узбекистане, и России развивается в ситуации перманентной неопределенности и плюрализма идей, кризиса иерархий, «общества риска», что ведет к трансформации средств повествования, размыванию границ литературных явлений и релятивизации литературоведческих понятий, обновлению форм, стилей, жанров. Жанр становится сегодня экспериментальной литературной площадкой, где реализуются полярные концепции человека и мира, где воплощаются авторские эстетические новации и маркируется смена идеологических и этических координат. Сегодня ведущую роль в русской и узбекской литературах играют повествовательные жанры. Нетрудно заметить, что рассказов, как и произведений других малых жанров, намного больше, чем крупных произведений². Фрагментарность, тезисность (а это один из главных признаков рассказа) становится спецификой реальной действительности конца XX – начала XXI вв., которая не складывается очевидными связями в больших эпических жанрах. И только рассказ смог зафиксировать общие контуры современной жизни, идеи, «зерно» характера, так как именно в его

¹Каримов И. Поздравление Президента Республики Узбекистан. Учителям и наставникам, 30.09.2015. - Пресс служба Президента Республики Узбекистан. - [Электронный ресурс]. - URL: <http://www.press.service.uz/ru/news/5186/> (дата обращения: 16.02.2016).

²Материалы докладов на ежегодных отчетных семинарах отдела современной прозы Союза писателей Узбекистана (в 2012 году в различных литературных изданиях было опубликовано 52 рассказа, а в 2013 году их количество увеличилось до двухсот шестидесяти семи). См.: Янги авлод овози (беседа)// Шарқ юлдузи. – 2013, №1-5; Литературная премия имени Юрия Казакова (лучший рассказ года) (Ежегодное количество участников конкурса колеблется от 100 до 300). – www.magazines.russ.ru/project/kazak/

35

компетенции работать с таким осколочным, эскизным материалом. Некоторые выводы относительно рассказа стали уже аксиоматическими, что позволяет брать их как данность. На повестке дня остается проблема выявления наиболее существенных аспектов жанровой эволюции малой прозы, как в русской, так и узбекской литературе.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-451 от 25 августа 2006 года «О повышении эффективности пропаганды национальной идеи и духовно-просветительской работы», Указе УП-1271 от 27 января 2010 года «О Государственной программе «Баркамол авлод йили», Указе УП-4797 от 13 мая 2016 года «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» и других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации¹. Научные исследования, направленные на изучение категории жанра, поэтики малой прозы и ее эволюции, современного литературного процесса осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира: University of Cambridge, University of Harvard (США), University of Edinburg (Шотландия), Linnéuniversitetet (Швеция), Московский государственный университет, Ярославский государственный педагогический университет (Россия), Белорусский государственный университет (Беларусь), Казахский национальный университет (Казахстан), Национальный университет Узбекистана, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы (Узбекистан).

В результате проведенных в мире исследований получен ряд научных результатов, в частности: обоснована тенденция синтеза литературоведческих и лингвистических подходов к изучению современной литературы в связи с трансформацией представлений о жанре в науке о литературе (University of Cambridge); на основе теории симулякров Жана Бодрийяра, деконструкции Жака Деррида, «археологии знания» Мишеля Фуко выявлена специфика

поэтики современной малой прозы в шведской литературе (Linnéuniversitetet); разработаны способы первоначальных повествований в современной прозе (University of Edinburg); раскрыты «закономерности и антизакономерности» в литературе, доказана роль традиционной реалистической прозы и разрушение традиций (Московский государственный университет); разработаны

¹Обзор международных научных исследований по теме диссертации сделан на основе: www.cam.ac.uk, www.fas.harvard.edu, www.ed.ac.uk, www.lnu.se, www.msu.ru, www.urfu.ru, www.asu.edu.ru, www.yspu.org, www.chuvsu.ru, www.bsu.by, www.kaznpu.kz, www.nuu.uz и других источников.

36

нарративные подходы в целом спектре узловых проблем литературоведения: теория целостности, образности, многоуровневости произведений; теоретически обоснована методология целостного эстетического анализа современных произведений (Белорусский государственный университет); описана теоретическая классификация художественных деталей с учетом всех противоречий и с опорой на изучение форм и способов проявления детали в малой прозе и раскрытием их полифункциональности в индивидуально авторских стилях (Казахский национальный университет); разработаны аспекты взаимодействия европейской и восточной литератур на современном этапе (Национальный университет Узбекистана); систематизирована поэтика модернизма в современной узбекской прозе (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы).

В настоящее время в мировом литературоведении ведутся исследования, в частности, по разработке механизмов взаимодействия традиционной и новой эстетики на разных уровнях поэтики современной литературы; изучаются и описываются происходящие в прозе конца XX века формотворческие процессы и их стилевые проявления; разрабатываются принципы нарративного конструирования «я» повествователя и «я» персонажа в фикциональном и нефикциональном тексте и вычленяются критерии самоидентификации субъекта речи/ субъекта действия; систематизируются теоретические вопросы жанровой парадигмы рассказа.

